Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 159 (8399). ● 23 август, 1984 йил ЧОРШАНБА Баҳоси 3 тийин.

МЕТАЛЛ—ВАТАНГА

Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи «Буюк ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор ҳафта!» ҳаракатига қўшилиб, йиллик программадан ташқари 5000 тонна пўлат ва 2500 тонна прокат бериш мажбуриятини олди. Бу ерда электр энергияси воситасида пўлат қуйиш комплексининг пўлат қуювчилари Петр Вильмс ва Иван Кудряшов ҳафтанинг биринчи кунлариданоқ социалистик мусобақанинг пешқадамлари бўлиб қолдилар. Улар бир қуйишда нормадаги 100 тонна ўрнига 110 тонна сифатли металл бераяптилар. Бунда ҳар бир қуйишда 40 минутдан вақт тежалмоқда. Мастер Ҳамроқул Эгамбердиев сменаси прокатчилар орасида энг яхши натижаларга эришди. Унинг ҳисобида пландан ташқари 375 тонна прокат бор.

Металлургларга хотира вахтасида Улуғ Ватан уруши фронтларидан қайтиб келмаганлар учун бир кун ишлаб беришга, шундан тушган маблағни эса Москвада ғалаба монументини қуриш фондига ўтказишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ОНА-ВАТАН БЎЙИЛАБ

● ПЕРМЬ

Пермдаги 27-ҳунар-техника билим юрти таъмирловчилар биринчи группасини тайёрлаб чиқарди. Йигитлар икки йилга мўлжалланган курсни ўтаб, ёғоч меъморчилиги ёдгорликларини янгилаш, қадимги мебелни тиклаш усулларини ўргандилар. Тажрибали усталар рус меъморларининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сирларини ўз шогирдларига ўргатдилар. Битириб чиқувчиларнинг кўпи Пермь шаҳрида қолади. Бу ерда ҳозир кўп ёдгорликлар таъмирланмоқда. Қолган таъмирловчилар Челябинск, Свердловск, Ижевск, Омскка борадилар.



● УН БИРИНЧИ беш йилликнинг зарбдор қурилишларидан бўлган Иджеван-Раздан темир йўл қурилиши поёнига етяпти. Суратда: узунлиги 210 метрлик кўприк қурилиши участкасида.

Р. Агаян фотоси.

● НОВОСИБИРСК

СССР Фанлар академиясининг Сибирь бўлимида илмий изланишлар фронти кенгайтирилди. Академия шаҳарчасида биоорганик химия институти очилди. Коллектив асосий куч-ғайратини биологик молекулаларга таъсир кўрсатиш назарияси ва методларини ишлаб чиқишга сарфламоқда. Бундай тадқиқотлар медицина, қишлоқ хўжалиги, биотехнология учун муҳимдир.

● ЛЕНИНГРАД

Ленинграднинг тошқиндан тўсадиган иншоотларини қурувчилар ҳар куни Фин кўрфази ичкарилигига 20 метр суриб бормоқдалар. Декабрь ойигача тўлқинлар орасида кўрфазнинг шимолий қирғоғидан Котлин оролида жойлашган Кронштадтгача 13 километрли автомобиль йўли ётқизиб бўлинади. Натижада «Заслон» комплексини қуриш тезлашади. Бу комплекс Ленинград бўсағаларида кўрфазни бўғиб, шаҳарни Балтикадан келадиган қалқувчи тўлқинлардан хавфсиз қилади.

● БУГУН Нева проспектида.

И. Зотин ва Ю. Белинский фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

● БЛИЗНЮКИ (Харьков области)

Близнюки районининг хўжаликларида чорроқ участкаларга ишлов беришда тракторлар отларга ўрнини бўшатиб берди. Бу иш унумсиз хаваскатларни камайтиришдан манфаатдор хўжалик ҳисобидаги далачилик бригадаларининг ташаббуси билан қилинди. Майда юкларни ташишда, томорқаларга ишлов беришда, чорвачилик фермаларининг юмушларида от-аравалардан фойдаланилмоқда. Беш йиллик бошидан бери бу ерда маҳсулот ишлаб чиқаришга ёқилғи сарфи 18 процент камайди.

(ТАСС).

ХИЗМАТ СОҲАЛАРИ ИШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙЛИК

МЕҲНАТКАШ инсон ҳақида доимий ғамхўрлик қилиш, унинг эҳтиёжлари ва талабларини ўрганиб бориш социалистик ҳаётимизнинг қонунидир. Коммунистик партия XXVI съезд, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга оширар экан иқтисодий ва социал сиёсатни бир-бири билан боғлиқ ҳолда олиб бормоқда. Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, медицина, савдо, уй-жой, коммунал, маиший хизматнинг ҳамма соҳаларини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Озиқ-овқат программаси ва ҳозир тайёрланаётган халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ва хизмат системасини ривожлантиришнинг комплекс программаси аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Янги турар-жойлар, маданий-маиший муассасалар қурилишининг кенг планлари рўёбга чиқарилаётир, хизмат соҳаларининг моддий--техника базасини яхшилашга маблағлар ажратилмоқда.

Партия режаларини тўла амалга ошириш, аҳолига ҳамма турдаги хизмат кўрсатиш ишларини юқори савияда ташкил этиш масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, Тошкент область партия комитетининг IV пленумида ҳам жиддий муҳокамага сабаб бўлди.

Меҳнаткашлар айрим товарлар билан таъминлашдаги узилишлардан, савдо корхоналари, магазинлар, ошхоналар ҳамда маиший хизмат кўрсатувчи пунктлар иш режимининг бузилишидан ҳақли равишда ранжиётганликлари областимиз шаҳар ва районлари партия комитетларининг пленумларида ҳам рўй-рост очиб ташланди. Партия, совет органларига, редакцияларга келаётган хатлар, шикоят ва аризаларда меҳнаткашлар хизмат соҳаларидаги йўл қўйилаётган жиддий нуқсонлар ҳақида кўпдан-кўп фактларни маълум қилмоқдалар.

Ҳақиқатда коммунал муассасалари ишида, аҳолини сув ва иссиқлик билан таъминлашда, турар-жойларни ремонт қилишда катта камчиликлар мавжуд. Ваҳоланки, бу масалаларнинг ҳаммаси бутун аҳолининг бевосита манфаатларига даҳлдордир. Жойлардаги партия органларининг ходимлари, шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг раҳбарлари ўз фаолиятлари услубини ўзгартирганларида, меҳнат коллективларида, касалхоналарда, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида тез-тез бўлиб турганларида бундай нуқсонларнинг олдини олиш мумкин бўлар эди. Мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари аҳолининг кундалик проблемаларига чуқурроқ кириб боришларини давр талаб қилмоқда.

Хизмат соҳаларида иш савиясини яхшилаш, албатта, биринчи галда кадрларнинг ўз вазифасига қандай муносабатда бўлишига боғлиқдир. Бу соҳа кишилари учун доқайдлик, шикоят ва аризаларга эътиборсизлик, муомаладаги қўполлик асло келишиб бўлмайдиган иллатлар ҳисобланади.

Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда хизмат соҳаларининг кишилари меҳнаткашлар билан муносабатда камтарлик, сезгирлик, эътиборли бўлиш каби оддий талабларни ҳам, ишлаб чиқариш планларини ҳам бажара олмаяптилар. Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ва унинг корхоналари иши бунга мисол бўла олади. Бу бошқармада мана уч йилдирки, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш плани бажарилмай келмоқда. Бошқарма раҳбарлари капитал қурилиш ҳисобига тармоқни ривожлантиришдек муҳим участкани ўз ҳолига ташлаб қўйишган.

Областимизнинг Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарларида аҳолини иссиқ сув билан таъминлаш, турар-жойларни ремонт қилиш соҳасидаги камчиликлар туфайли шикоят ва аризалар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Чирчиқ шаҳрини олайлик. Бу шаҳар республикада энг сувга сероб бўлишига қарамай ичимлик сув билан таъминлашда доимий узилишлар бўлиб туради. Шаҳардаги 8-микрорайонда қозонхона ишга туширилган бўлса-да, аҳоли ёлчиб иссиқ сув олмаяпти. Бу ўз навбатида меҳнаткашларни аризалар билан турли ташкилотларга қатнаб сарсон бўлишига олиб келмоқда. Шу йилнинг олти ойи мобайнида чирчиқликлар биргина шу масалада шаҳар раҳбарларига 44 та шикоят хати ёзишди.

Ўртоқ К. У. Черненко Москвадаги «Серп и Молот» заводи ишчилари билан учрашувда жуда тўғри таъкидлаганидек, «Уй-жойлар, моллар, хизматларнинг сифати масалалари — иқтисодий, хўжалик масалаларигина бўлиб қолмай, шу билан бирга социал масалалар ҳамдир». Хизмат соҳаларидаги кўпгина коммунистлар, бошланғич партия ташкилотларни масалага ҳақиқатан ана шу нуқтан назардан ёндашмоқдалар. Улар социал масалаларни комплекс, кенг қамров билан ҳал этиш йўлларини қидириб топмоқдалар. Тошкент шаҳридаги қатор йирик саноат корхоналари ўз кучлари билан маиший хизмат уйлари қурмоқдалар, буюртмалар столлари ташкил этиб, ателье, билет кассаларининг филиалларини, комплекс қабул пунктларини очмоқдалар. «Миконд» заводи, «Тошкент» трактор заводи» бирлашмаси, В. П. Чкалов номидаги корхона партия, касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришда умумий овқатланиш ва маиший хизматни намунали йўлга қўйиш тажрибасига эгалар. Мазкур корхоналардаги социал, маиший хизмат турларининг намунали иши ўз навбатида ишлаб чиқаришга, ишчиларнинг кайфиятига яхши таъсир этмоқда.

Бироқ, областимизнинг бир қатор шаҳар марказларида аҳолига савдо, медицина, маиший, транспорт хизмати кўрсатиш давр талабларидан орқада қолмоқда. Яқинда Ангрен шаҳрида яшовчи бир группа меҳнаткашлардан шикоят тушди. Ангренликлар жамоат транспорти эътиборсиз аҳволда эканлигини таъкидлашган. «Шаҳримизга келган киши транспорт хизматидан фойдаланаман деб овора бўлмасин» деб ёзишибди улар. Дарҳақиқат, ишчиларнинг вақтида хизматга бориб келиши бу ерда қийин муаммога айланиб қолган. Шаҳар автобус-таксомотор паркининг директори А. Калиниченко маршрутли автобуслар тўла рейсга чиқишини таъминлай олмаяпти.

Бекобод шаҳри аҳолиси сабзавот, мева таъминотидаги узилишлар ҳақида қўпинли шикоят қилишмоқда. Бекобод район колхоз ва совхозлари металлурглар шаҳрини ноз-неъматлар билан таъминлашга даъват этилган. Бироқ, улар етказиб бераётган маҳсулотлар сифатсиз, ассортименти ҳам талабга жавоб бермайди. Шунинг учун шаҳар савдо ташкилотлари мева ва сабзавотни областнинг бошқа районларидан ҳатто, қўшни Тожикистон, Қирғизистондан сотиб олиб келишга мажбур бўлмоқда. Бу каби камчиликларни областимизнинг бошқа саноат марказларида ҳам учратиш мумкин.

Аҳоли соғлиғини сақлаш, уларга намунали медицина хизмати кўрсатиш шифокорларимизнинг жонажон ишидир. Бироқ, ўзининг олижаноб касбини шарафлаш ўрнига, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ўрнига ҳар хил йўллар билан хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, шахсий манфаатини ўйловчи кишилар ҳам учраб туради. Бекобод шаҳар касалхонасининг кўз доктори Кузин пора олганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Рентгенолог врач Мамедов ахлоқсизлиги учун ишдан бўшатилди. Доимо ичиб юрадиган, врач номига доғ туширган Кенжабоев, юқумли касалликлар шифохонаси хирургия бўлими мудири Лж сингари шахслар ишлаётган шифо масканларида намунали медицина хизмати кўрсатиш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Бундай кўнгилсиз воқеалар мазкур соғлиқни сақлаш муассасаларида тарбиявий ишлар бўшаштириб юборилганлиги, раҳбарларнинг талабчанлик ва масъулиятни унутганлиги оқибатидир.

Хизмат соҳасида ишлаётган кишилар ниҳоятда нозик ва масъулиятли вазифани бажараётганликларини асло ёддан чиқармасликлари керак. Уларнинг бурчи меҳнаткаш, фидокор халқимизга ҳар томонлама қулайликлар яратиш, кишиларимиз эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришни таъминлашдан иборатдир.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

ЕТТИНЧИ ИШЛОВ ТУГАЛЛАНДИ

ОҚҚЎРҒОН районидаги «Коммунизм» колхозининг Исатой Умаров бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари ғўза парваришида пешқадамлик қилишяпти. Бу коллектив аъзолари юбилей йилида 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишган.

Коллективнинг тажрибали механизаторлари Амир Жўраев ҳамда Ҳолбой Субонов ғўза қатор ораларига еттинчи бор ишлов беришни тугалладилар. Жўра Ортиқбоев, Тўлаган Жўраев, Раҳмон Очилов, Усмонқул Сулаймонов сингари сувчилар эса экинни ўз вақтида оби ҳаётга қондирмоқдалар. Бу тадбирларнинг сифатли ўтказилаётганлиги туфайли далаларда мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда. Ҳозир ҳар туп ғўзада 12 тагача бўлиқ кўсак бор.

О. ТУРАҚУЛОВ.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

Чирчиқдаги 307-кўчма механизациялашган колонна коллективи етти ойлик социалистик мусобақа натижаларига якун ясади. В. Мецлер бошчилигидаги монтажчилар бригадаси ва И. Сулаймонов етакчилигидаги бетончилар коллективи меҳнат беллашувининг голиби деб топилдилар. Айниқса, бетончилар графикдан ўзиб катта ҳажмдаги ишларни бажарганликлари қайд этилди.

И. Сулаймонов бригадаси Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатидаги 4-цех реконструкциясида актив фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир ишчи бу ерда шахсий нормасини ўртача 118 процентга етказиб бажарди. Айни пайтда бригада азаматлари коммунистик меҳнат коллективи деган ном учун курашмоқдалар.

М. МИРАЛИМОВ.

АНГРЕН МАТБААЧИЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Ангрен шаҳар босмахонаси областдаги илғор корхоналарнинг бири ҳисобланади. Бу ерда шаҳар газетаси, учта кўп нусхали газета ва бошқа босма маҳсулотлар босилади. Ангрен шаҳар босмахонаси коллективи иккинчи квартал якунларига кўра республика корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада голиб чиқиб, Ўзбекистон нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитети ҳамда маданият ходимлари касаба союзи республика Советининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Яқинда кўчма Қизил байроқни топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Байроқни Ўзбекистон нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитети раиси С. Ш. Қурбонов топширди.

Тантанали йиғилишда Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. З. Камолхўжаев ва область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бошқармаси бошлиғи А. Ф. Саидов ўртоқлар иштирок этдилар.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● Ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ҳозирги кунларнинг ҳар дақиқасидан самарали фойдаланинг. Ғўза парваришини сусайтирманг.

● Айни кунларда ўргимчаккана, кўсак қурти ва бошқа зараркунанда ҳашаротларга қарши курашни ҳар томонлама жонлантиринг.

● Дефолиацияни энг мақбул ва қисқа муддатларда ўтказиш тадбирларини пухта режалаштирайлик!

● Барча техника воситаларини йиғим-терим мавсумига пухта шайлаб қўяйлик. Ҳамма ерда терим агрегатлари тажрибали механик-ҳайдовчилар билан таъминлансин.

АЪЛО НАВЛИ ПАХТА ЕТИШТИРАМИЗ

Катта йўл ёқасидаги 10 гектарлик майдонни кўрган кишининг ҳаваси келади: ғўзалар бир текис ривожланяпти, пайкалда биронта ҳам бегона ўт кўринмайди. Ҳар тупида ўртача 5—6 тадан кўсак санаш мумкин. Шу боисдан ҳам оилавий звеномиз аъзоларининг кўнгиллари тўқ.

Ҳолбуки, яқин-яқингача бу майдондан дуруст ҳосил олиб бўлмасди. Ҳар йили пахта экиларди-ю, бироқ ерлар нотекислиги сабабли экинлар бир маромда сув ичмас, натижада ҳосил тугунчаларининг асосий қисми авжи ёз жазирамасида тўкилиб кетарди. Хонадонимиз шу майдон этагига туташ бўлганлиги сабабли ҳар куни не-не машаққатлар билан сув тараётган колхозчиларни, қовжираётган ғўзаларни кўриб ачиниб кетардим. Ахийри бўлмади, оиламиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, шу майдонда деҳқончилик қилишни ўз зиммамизга олишга аҳд қилдик. Совхоз директори ҳам режамизни маъқуллади. Ўша майдон оиламизга ажратиб берилди.

Хўжалик раҳбарлари техникадан ёрдамларини аяшмади. Ерларни обдон текислаб, маҳаллий ўғитга тўйиндирдик. Чигитни ҳам ўз вақтида экиб, ернинг табиий намига ундириб олдик. Мана, ҳозирча натижаси ёмон эмас, ғўзаларимиз бир текис ривожланиб, ҳосилга-ҳосил қўшилмоқда.

Пудрат усулининг афзалликлари нималарда ўз ифодасини топмоқда? Аввало пахтакорлар зиммасидаги масъулият ошмоқда. Пудрат усули бригада ёки звенода, айтайлик, бир киши 15 сотих майдонни бегона ўтдан тозалаши керак эди. Бундай вазиятда кўпинча у бир амаллаб ўз майдонини тозалаб берарди. Чунки кейинги сафар бу майдон айнан унга эмас, бошқа бировга тушиши мумкин. Табелчи бўлса иш битди деб наряд ёпаверади, колхозчи маошини олаверади. Кейин эса орадан ҳафта, 10 кун ўтгач ўша майдондан яна ўт ўсиб чиқаверади.

Ҳозир аҳвол ўзгача. Звеномиз аъзолари — қизларим Гулнора, Бахтихон, ўғлим Ботиржон, келиним Матлубахонлар пайкалда бегона ўтни кўришса, дарҳол уни таг-томири билан йўқотишади. Чунки уни юлиб ташлашмаса кейин ўзларининг ишлари қийинлашиб кетади, эрта-индин яна ўтоққа киришишларига тўғри келади. Улар бегона ўт ғўзанинг озуқасига шерик бўлишини яхши билишади.

Пудрат усулининг яна бир афзаллиги оиламиз аъзолари пировард-натижадан манфаатдор эканликларидадир. Аҳло навли пахта қанча кўп бўлса, унинг таннарҳи ҳам шунчалик арзонлашади. Бундан ташқари ҳосилни етиштиришга сарфланган меҳнат, ўғит, уруғлик техника ҳам нечоғлик тадбиркорлик билан ишлатилса, ортиқча сарф-харажатлар ҳам камайиб бораверади. Шунга кўра ҳам мўл ҳосил етиштирилади, ҳам оиламизнинг меҳнат ҳақи ортади.

Биз бу йил ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун курашаяпмиз. Ён қўшниларимиз Турғун Мирахмедов, Юсуп Ҳошимовлар хонадонлари ҳам биздан ўрнак олиб оилавий звено асосида машлашни мўлжалламоқдалар. Агар ҳар бир оила ўз имкониятига қараб, 10—15 гектар майдонни ажратиб олиб ишласа, ўртача 35—40 тоннадан пахта етиштиради. Бу эса фақат оилавий звено аъзоларига эмас, балки бригада ҳамда хўжаликка ҳам ҳар томонлама катта фойда келтиради.

З. АБДУҚОДИРОВ,

Ўрта Чирчиқ районидаги ТИИИМСХ ўқув хўжалигининг оилавий звено бошлиғи.

«ҲОСИЛ—84»

МАВСУМГА ШАЙ

ЯНГИЙЎЛ районидаги Ленин номли колхозининг Хилватилла Йўлчиев етакчилик қилаётган бригадаси коллективи пахта йиғим-теримини пухта ҳозирлик билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Бригадада кечаги кунга қадар 200 та этак, 80 квадрат метр қанор, 4 та тарозн ва бошқа зарур нарсалар тайёрлаб қўйилди. Шунингдек, пахта ёйиб қуритиладиган майдонларни тартибга келтириш ишлари ҳам ниҳоясига етказилди. Бугундан эътиборан дала йўлларини, машина теримига мўлжалланган пайкаллар четларини текислаш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишларда бригаданинг Сандкарим Нишонбоев, Тўхтасин Каримберднев, Ристилла Абдуҳакимов каби аъзолари бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Бригада меҳнат аҳли бу йил 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 33 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжалламоқдалар.

Р. АҲМЕДОВ.

ЯГОНА МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

СЕКРЕТАРЬ қиздан раис 9-бригадага кетганлигини эшитиб, биз ҳам ўша томонга йўл олдик. Чап картадаги ўртаги карам ҳосил ўрай бошлабди, ўнг картада эса колхозчилар помидор терими билан банд. Шийпонда ҳашар устидан чиқиб қолдик. Бири тахта рандалаяпти, иккинчиси сувоқ қиляпти...

Салом-аликдан сўнг Абдували ака хўжалик ишлари ҳақида ҳикоя қилар экан, қатор йиллар рентабелли бўлган колхоз кейинги уч йилда чўкиб, ҳатто қарзга ботиб қолганини ачиниш билан гапириб берди. Унинг ўзи шу қишлоқда униб ўсган, суяги далада қотган. Аввал комсомол ташкилотига бошчилик қилди, сўнг колхоз партия ташкилоти секретари бўлиб ишлади. Хўжаликка раҳбар бўлиб келгунга қадар беш йил район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифасида ишлади.

— Мана биз шаҳарликлар учун турли ноз-неъматлар етказиб берамиз,— дея сўзини давом эттирди раис, — план деймиз, мажбурият деймиз. Ана шу ҳосилни ким етиштиради? Планни, мажбуриятни ким бажаради? Албатта, коммунистлар, одамлар. Шунинг учун ҳам энг аввало улар ҳақида ўйлашимиз, қалбларига йўл топишимиз, дардларини билишимиз, ҳурматларини ўрнига қўйишимиз керак. Уларга етарли шарт-шароит яратмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Мана бу шийпонга бир разм солинг,— раис икки қаватли шинам шийпонга ишора қилиб деди,— бу ерда тушлик қилибгина қолмай, кечалари тунаб қолиш ҳам мумкин. Натижада вақт тежаладиган, иш унуми ортади. Ўз кучимиз билан ҳашар қилиб қуряпмиз. Турсунбой Бобоев, Баҳодир Ҳамдамов, Баҳром Жўраев, Абдураҳим Эргашев сингари колхозчиларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

...Коммунист Абдували Абдураҳимов колхозга раис бўлиб келгач, правление ва партия йиғилишларида одамлар билан дилдан гаплашди, қолоқликдан чиқиш йўлларини маслаҳатлашди. Коммунистлар кейинги кезларда интизом бўшашиб кетганлигини, кадрлар ўзларига топширилган вазифа учун масъулиятни унутиб қўйишганлигини очиқ-ойдин тан олдилар. Ишбилармон ёшлар раҳбарлик лавозимларига кўтарилмаётганлигини айтишди. Правление қарори билан бир неча бригада бошлиқлари ўзгарди. Жумладан, авваллари табелчи бўлиб ишлаган Ғофир Ортиқов 13-бригадага бошлиқ қилиб, 9-бригада бошлиғи Турғун Маҳмудов эса бош агроном қилиб тайинланди. Бир неча йиллар комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилган, кейинчалик эса клуб мудири бўлиб ишлаб келаётган Обид Аҳмедов яна далага чиқди. Бригадага бошчилик қила бошлади.

Рентабелли соҳа ҳисобланган чорвачилик ҳам оқсаб қолган эди. Ем-хашак тайёрлашда ҳисоб-китоб юзаки олиб бориларди. План ошириб бажарилди, деб рапорт бериларди-ю, декабрь ойи охирларига бориб ем-хашак тугаб қоларди. Натижада гўшт, сут етиштириш планларига путур етарди. Бу ишда ҳам кескин бурилиш қилинди. Фермага торозм ўрнатилди. Меҳнатга қараб ҳақ тўлаш қатъий кўйилди. Мисол учун янги экилган беда майдонидан ҳар гектар ердан 5 тонна ўрнига 7 тоннадан ҳосил топширилса, ҳар бир кишига ажратилган 10 гектар майдон учун 180 сўм ҳақ тўланадиган бўлди. 6 тоннадан дон ва 20 тоннадан жўхори пояси ҳосили олган кишига 150 сўмдан меҳнат ҳақи берилди. Бир сўз билан айтганда ем-хашак тайёрлаш ва уни жамғариш ишларида қатъий интизом ва тартиб ўрнатилди. Бир йилнинг ўзидаёқ 2000 тонна силос ва 200 тонна беда ғарами ортиб қолди. Колхоз район хўжаликларидан 20 кунлик ғунажинлар сотиб олиб, уларни 24 ой боқкач, қайта ўзларига сотади. Ана шу муддат даврида боқилган ҳар бир бош қорамолдан ўртача 1000 сўмдан фойда кўрилади. Фермага ўз ишининг жонкуяри, талабчан Исмоил Исроилов бошчилик қилмоқда. Бу йил 60 тонна ўрнига 93 тонна гўшт топширилиб, йиллик план барвақт бажарилди. Ҳар бош соғин сигирдан олинаётган маҳсулот 4 минг килограммга етди.

Интизом ва кадрларга тўла ишонч, моддий манфаатдорлик ҳамда ўйлаб тузилган пухта тадбирлар туфайли оқсаб қолган хўжалик қисқа вақтда оёққа турди. Ўтган йилги қарзлар қопланиб, бўлтур 300 минг сўм соф даромад кўрилди, рентабеллик 11 процентга кўтарилди.

Тошкент районидаги генерал Собир Раҳимов номли колхоз аъзолари республикамизнинг шонли юбилейи йилида шаҳарликларга 7500 тонна сабзавот, 1,5 минг тонна картошка, 1000 тонна узум етказиб бериш мажбуриятини олишган. Эртаги ҳосил турлари бўйича барча кўрсаткичлар ошириб адо этилди. Етиштирилган барча ноз-неъматларни ўз вақтида сифатли қилиб шаҳарликлар дастурхонига тортиқ этиш ниятида бу хўжалик азаматлари ўзаро мусобақани қизитиб сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Суратларда: маккажўхори ўрими пайти. Бригада бошлиғи Эргаш Шерматов ва колхоз раиси Абдували Абдураҳимов (чапда) дон сифатини кўздан кечиришмоқда.

А. Абалян фотолари.

80-ЙИЛЛАР КОММУНИСТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Совет Ўзбекистони» газетаси редакторининг ўринбосари ўртоқ Абдукарим Абдуфаттоҳович Набиҳўжаевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлади.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ЖАНГОВАРЛИК — БОШ МЕЗОН

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзолари КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликда беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш планлари ошириб бажарилди.

Колхозда чорвачилик жадал ривожланмоқда. Ҳозиргача давлатга йиллик планнинг 98,3 процента миқдорида гўшт, 85,7 процента миқдорида тухум етказиб берилди. Сут сотиш ярим йиллик топшириғи ҳам ошириб бажарилди. Гўштга топширилаётган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 412 килограммга тўғри келаяпти. Олти ой якунларига кўра ҳар бир соғин сигирдан олинаётган сут ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 45 килограммданга кўпайди. Пиллачилик, канопчилик, мева-сабзавотчилик соҳаларида ҳам ютуқлар мавжуд.

Бу яхши, албатта. Аммо, колхоз экономикасининг асосини пахтачилик ташкил этади. Хўжалик суғориладиган экин майдонларининг деярли ярми пахта билан банд. 1981 йил пахтачиликда юқори натижа қўлга киритилди. Шу йили ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил этиб, колхозчилар 4237 тонналик «оқ олтин» хирмони уйдилар. Давлатга топширилган хомашёнинг асосий қисми юқори сортларга қабул қилиб олинди. Афсуски, эришилган муваффақият кейинги йилларда мустаҳкамланмади. Аксинча, пахта ҳосилдорлиги ҳам, уйилган хирмон ҳажми ҳам йилдан-йилга камайиб кетди. Ҳар гектар ердан олинган ўртача ҳосил 1982 йилда 33 центнерни, 1983 йилда 31,5 центнерни ташкил этди. Бундан ҳам ёмони ўтган йили етиштирилган ҳосилнинг атиги 48,6 процента биринчи сортга ўтказилди, холос. Пахтачиликдан планда белгиланганидан салкам 1 миллион сўм кам даромад олинди.

Тўғри, ўтган йилги об-ҳаво пахтакорларнинг кўпгина меҳнатларини зое кетказди. Лекин ер-у сувнинг бир хил бўлган шароитда хўжаликнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан О Нам бошлиқ бригадаси аъзолари мўл ҳосил етиштиришиб, мўмай даромад қилишди, аммо, бошқа бригадалар эса бунга эриша олмадилар. Кўриниб турибдики, бу ерда сабаб ноқулай об-ҳаво шароити эмас, балки, меҳнатга муносабатнинг турлича бўлганлигидир.

Яқинда хўжалик партия ташкилотининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган йиғилишда коммунистлар партия ташкилоти ва колхоз правлениеси ишидаги камчиликларни, хотиржамликка берилиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш ҳолларини рўй-рост танқид қилдилар. Жумладан, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси кекса коммунист Н. Ойнақулов шундай деди:

— Кейинги йилларда колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетди. Бу ҳол ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатяпти. Партия комитети коллективни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ишига эътиборсизлик билан қараяпти. Омма орасида қолиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Йиғилишда сўзга чиққан коммунистлардан Б. Қосимов, М. Исмоиловлар 1-, 4-, 7-, 9-бригадаларда ғўза парвариши кечикаётганлиги, чорва озуқаси жамғаришга етарли аҳамият берилмаётганлигини ачиниш билан гапирдилар. Сут-товар фермаси бригадири Д. Сулаймонов эса 200 бош қорамолга мўлжалланган ферма қурилиши уч йилдан буён битмаётганлигини таҳқид қилди.

Хўжалик бошланғич партия ташкилотига 9 та цех партия ташкилоти бирлашган. Уларнинг составида 106 коммунист бор. Бу бениҳоя катта куч. Тўғри, колхоз партия комитети цех партия ташкилотлари, жамоат ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, коммунистлар авангардлигини ошириш, коллективни олдинда турган муҳим вазифаларни бажаришга сафарбар этишда мўйайян тадбирларни амалга оширмоқда. Парткомнинг кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш соҳасидаги ишлари эътирофга лойиқ. Номенклатурадаги 44 кадрнинг 8 нафари олий, 10 нафари ўрта-махсус, 19 нафари ўрта маълумотли бўлиб, шулардан 24 киши КПСС аъзоларидир.

Хўжаликда кадрлар резерви яратилган. Колхоз йўлланмаси билан ҳар йили бир неча йигит-киз олий ва ўрта-махсус ўқув юртларига юборилади.

Аммо, партия комитети фаолиятида айрим нуқсонлар ҳам бор. Жумладан, партком хотин-қизлар активлигини ошириш, уларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга етарли аҳамият бермайди. Хотин-қизлар колхоз коммунистларининг атиги 24 процентини ташкил қилади. Хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар, резерв кадрлар орасида хотин-қизлар йўқ. Парткомнинг тўққиз кишилик состави ичида бирорта ҳам оддий коммунист йўқ, ҳаммаси раҳбарлар. Бир сўз билан айтганда правление билан партком состави деярли бир хил.

Партком йиғилиши, умумий мажлисларга тайёрланиш ва уларни ўтказишда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Йиғилишларни тайёрлашга оддий коммунистлар жалб этилмайди. Мажлисларда ҳар доим «штатли нотиқлар» гапиришавради. Бошқалар эса муҳокама қилинаётган масалаларга ўз муносабатларини билдиримайдилар. Шундай бўлгач, мажлислар танқид, ўз-ўзини танқид руҳида ўтмаслиги, қабул қилинаётган қарорларнинг юзаки бўлиши табиийдир. Партия мажлиси — тарбия мактаби. Уларни тайёрлаш ва ўтказишга ёш коммунистларни кўпроқ жалб этиш лозим.

Коммунистларни тарбиялаш, авангардлигини оширишда партия йиғилишларида КПСС аъзоларининг ҳисоботларини тинглаб бориш ҳам муҳим роль ўйнайди. Колхоз партия ташкилотида бу тажриба нима учундир қўлланилмаётир. Бундан ташқари, юқори партия органлари ва ўз ташкилотларининг қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақида коммунистларга мунтазам ахборот бериб борилмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва область партия комитетининг IV пленумида меҳнат коллективлари олдига конкрет ва масъулиятли вазифалар қўйилди. Ҳар бир коллективнинг ишлаб чиқаришдаги муваффақияти эса бошланғич партия ташкилотларининг нечоғлиқ жанговарлигига, камчиликларга нисбатан муросасизлигига, тадбиркорлиги ва даъватқорлигига боғлиқдир. Энгельс номли колхоз партия комитети иш услуби ва методини такомиллаштириб, коммунистларга, кадрларга нисбатан талабчанликни ошириши керак.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

НОҚОРАТУПРОҚ ЎЛКАДАН ХАТ

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

ШАҲАРДАН узоқ бўлмаган Юрийвец посёлкасидан салгина ўтишингиз билан паст-баландликлар, қалин ўрмонзорлар, ўқтин-ўқтин экинзорлар кўзга ташланади. Посёлканинг Москва билан туташтириб турувчи темир йўлида бир зум ҳам қатнов тўхтамайди. Шу темир йўлнинг ёнгинасидан ўтган автомагистралнинг икки томони пойтахтга бора-боргунча ўрмонзор. Магистрал йўл орқали Ноқоратупроққа зарур халқ хўжалиги юклари машиналарда ҳам ташиб келинади. Бу ерда қатнайдиган автомобилларнинг давлат номеридаги серияларидан улар қайси шаҳарга, қайси ташкилотга тегишли эканлигини англаш осон эмас. Чунки Ноқоратупроқда бепоён ўлкамизнинг турли республикаларидан келган машиналарни учратиш мумкин.

...29—10 ТШД номерли ЗИЛ-130 юк автомашинаси катта йўлдан елиб боряпти. Уни Тошкент областидан келган бунёдкорлар объектида ҳам, Самарқанд қурувчилари коллонаси идораси олдида ҳам тез-тез учратиш мумкин. Хуллас, қаерза зарур бўлса машина ҳам, унинг заҳматкаш ҳайдовчиси Аҳмаджон Муҳаммаджонов ҳам ўша ерда ҳозир бўлиб туришади.

Бу йигит — Тошкент областидан. Шофёрлар курсини битиргач «Ташспецмонтажводстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннасида шофёр бўлиб ишлади. Бир группа ҳамкасблари Россиянинг Ноқоратупроқ зонасига — Владимирга отланаётганлигидан хабар топган Аҳмаджон ҳам улар сафига қўшилди. Трестдагилар унга йўқ дейишмади, лекин олдига шарт қўйишди: Машинани Владимирга олиб бориш талаб этиларди.

Аҳмаджон дастлабки топшириқни ҳудди айтилгандек адо этди.

Владимирга келган Ўрта Чирчиқдаги 3-кўчма механизациялашган колонна йиғитларини «Узвладимирводстрой» трести раҳбарлари Самарқанд кўчма механизациялашган колоннаси ихтиёрига жўнатишди. Улар орасида Аҳмаджон Муҳаммаджонов ҳам бор эди...

Ҳозирги пайтда А. Муҳаммаджонов ҳамкасблари билан биргаликда Юрийвец темир йўл станцияси ёнгинасидаги коллектор қурилишида меҳнат қиляпти. Бу ерга келганига икки йил бўлди. Шу вақт ичида ўрта чирчиқликлар ёрдамчи пудратчи коллективлар ўртасидаги энг илғор колонна номига сазовор бўлди. Бунга аввало ҳар бир кишининг ўз ишига юксак масъулият билан ёндошиши туфайли эришилган бўлса, иккичидан ишларини янада жонлантиришга халақит берадиган таклифлар ҳамкорликда бартараф этилди.

Объектга трест бош диспетчери Тамара Попова тез-тез келиб туради. Бинокорлик материалларининг етказиб берилиши, ёрдамчи ташкилотларнинг ўз вазифасини қай даражада бажараётганлиги билан қизиқади.

Кунларнинг бирида объектда электродлар, кислородлар етишмай қолди. Гарчанд, электр-газ пайвандчи Холмурод Аутов смена топширигини икки ҳисса қилиб бажаришга қатъий бел боғлаган бўлса-да, электрод ёки кислород вақтида етказиб берилмаса оддий нормани ҳам уддалаш амримаҳол эди.

Шу пайт Тамара Попова келиб қолди. Бинокорлик материалларини етказиб беришдаги узилишнинг сабабларини суриштириб билгунча, айбдорларни аниқлагунча кун кеч бўлади. Лекин иш жойида тураверади. Шунинг учун Тамара Игнатева қисқа қилиб хат ёздида Холмурод Аутовга узатиб:

— Наманганликлар меҳнат қилаётган кўчма механизациялашган колоннага борингилар, улар қарз қилиб туришади. Акс ҳолда графикдан ортда қолиб кетамиз, — деди.

А. Муҳаммаджонов машинага ўтириб, қўшни колоннага жўнади. Яна бир соатдан сўнг иш қизиб кетди...

Тошкентликларга қарашли участка унчалик катта эмас. Бу ерда биттагина бригада меҳнат қиляпти. Улар ягона наряд асосида иш юритишяпти. Гарчанд кўпчилик бўлмасалар ҳам ахил, баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари туфайли қилаётган ишларни яққол кўзга ташланиб қолади. Уларнинг ҳаммаси Наримонов шаҳридан: бригада бошлиғи Юрий Оигент, экскаваторчи Улфат Сайфутдинов, пайвандчи Холмурод Аутов, участка бошлиғи Равил Назировлар бир кунинг ўзида Ноқоратупроқ ўлкага йўл олишган. Аҳмаджон ҳам келиб уларнинг сафига қўшилди. Узоқ ўлкада эски дўстларнинг тақдирлари яна туташди. А. Серховский совхозида самарқандлик бинокорлар 800 бош қорамолга мўжалланган чорвачилик комплексини қуришни анча илгари бошлаб юборган эдилар. Тошкент области вакиллари шу объектда йил бошидан бери 50 минг сўмлик ишни қисқа муддат ичида бажариб қўйишди. Ўтган йилнинг ўзида жами 90 минг сўмликдан кўпроқ бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилди.

— Йил охиригача 100 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз керак,— дейди Аҳмаджон Муҳаммаджонов. — Ҳар ойда 10 минг сўмликка яқин иш амалга оширилиши мажбурият бажарилишига имкон берар эди. Биз эса ана шу ҳажмдаги ишни кейинги пайтларда икки ҳафтада бажаряпмиз. Демак, марра тобора яқинлашаяпти. Планни бажаришимиздан эмас, кўпроқ қардошлик ёрдамини шараф билан адо этаётганлигимиздан қувонаяпмиз. Бу ерга келган бунёдкорлар учун бундан ҳам қувончлирок воқеа бўлмаса керак.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ,
Владимир области.

ҒОЛИБ САЁҲАТГА ЖЎНАЙДИ

Олмаликдаги 345-кўчма механизациялашган колоннада В. Кимни танимайдиганлар топилмаса керак. Илғор бригаданинг тажрибаси ҳозирги пайтда кўпчилик коллективларни қизиқтириб қолди. Улар барча объектларда топшириқларни барвақт ва юқори сифат билан бажаришга эришиб, трестда ҳам шуҳрат қозондилар.

Бригада етакчиси ажойиб ташкилотчи ҳам эканлигини кўрсатди. Шу боисдан ҳам коллективни ғалабалар сари илҳомлантира олди. Эндиликда комплекс бригада биргина колоннада эмас. «Алмаликсвинецстрой» трести коллективлари ўртасида ҳам ғолибликни қўлдан бермай келяпти.

Яқинда меҳнат беллашувининг навбатдаги босқичига якун ясалди. Шундан сўнг илғор бригада сардори В. Кимга меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари учун Болтиқбўйи республикалари бўйлаб туристик саёҳатга бепул путёвка берилди.

М. АЛИМОВ.

Қўчқор Ориповнинг номини «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 4-цехи ишчилари доимо ҳурмат билан тилга оладилар. Бу бежиз эмас, албатта. 30 йилдан бери ўз касбини эзозлаб келаётган моҳир ишчи шу кунларда нормасини 150 процентдан ошириб адо этиб, социалистик мусобақа илғорлари safида бормоқда.

Суратда: ветеран ишчи, коммунистик меҳнат зарбдори Қўчқор Орипов.

М. Нуриддинов фотоси.



●

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада қизғин иштирок этмоқдалар. Ўнлаб ишчилар меҳнат беллашувида пешқадамлик қилиб, йиллик планни қутлуғ кунга қадар бажаришни кўзлаб фидокорона ишлашмоқда. Улар safида бораётган бирлашма кранчиси Ж. Эргашев ҳам белгиланган нормани 130 процентдан ошириб адо этиб, яхши кўрсаткичларга эришяпти.

Суратда: беш йиллик илғори, кранчи Ж. Эргашев иш устида.

А. Кашапов фотоси.

ШАРОИТ ВА ТАЛАБ

ХАЛҚ депутатлари Советларининг ҳар уч ойда бир марта ўтказиб туриладиган сессиялари районларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки бу сессияларда район ҳаётига оид муҳим масалалар ўртага ташланади, таҳлил этилади, ютуқлар омили бўлаётган илғор тажрибалар умумлаштирилади. Йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларнинг сабаблари муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш тадбирлари белгилаб олинади. Шунинг учун ҳам партия сессияларни тайёрлаш ва ўтказишни тубдан яхшилаш, қабул қилинадиган қарорларнинг асосли бўлишини таъминлашни талаб этмоқда.

Халқ депутатлари Бўка район Советининг кейинги сессияларида ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда шу куннинг долзарб масалалари муҳокама қилинмоқда. Жумладан, XVIII чақириқ халқ депутатлари район Советининг X сессиясида «КПСС XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорлари асосида район аҳолисига маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тўғрисида»ги масаласи кўриб чиқилди.

Сессияда район аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг «Тозалик», «Пойабзал», «Расмчилик», «Зангори экран» бўлимлари ва аҳоли уйларини ремонт қилувчи бирлашма коллективларининг яхши ишлагандиклари, 1983 йилда 1456 минг сўмлик хизмат кўрсатилиб, план ортиғи билан бажарилганига қарамай, халқнинг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжлари ҳали тўла қондирилмаётганлиги қайд этилди. Ҳар бир хўжаликда хизмат кўрсатишнинг 5—7 тури мавжуд бўлиши керак. Афсуски, «Ленин йўли» колхозида, «Гулистон» ва «Кремль» совхозларида бирорта маиший хизмат тури ташкил этилмаган. «Ленинобод», Мичурин номли, Жамбул номли, Тимирязев номли, К. Маркс номли колхозларда эса аҳолига фақат бир турдаги маиший хизмат кўрсатилятти, холос. У ҳам бўлса, сартарошликдир. Бу хўжаликларнинг раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари, қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари, район Совети ижроия комитетининг тармоқ бўйича доимий комиссияси бундай аҳволни тузатиш соҳасида шу пайтгача амалий чора кўрмаган.

Чиндан ҳам бугунги ишчиларнинг, колхозчиларнинг маънавий дунёқарашини ўстириш, унга маданий маиший шароит ва биринчи навбатда қулайлик яратиб бериш улар меҳнатидан унумли фойдаланишнинг асосий шартидир. Сессияда шу асосда 10 пунктдан иборат қарор қабул қилинди. Қарорларни амалга ошириш шу йилнинг иккинчи кварталида тўла-тўкис тугалланиши белгиланди.

...Мана, орадан тўрт ой ўтиб, учинчи квартал бошланганига бир ойдан ошди. Шу давр ичида сессия қарорларини тўла амалга ошириш борасида қандай ишлар қилинди?

СЕССИЯ ҚАРОРЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

«Кўкорол» совхозида янги сартарошхона, «Бўка» совхозида эса янги фотосалон ишлай бошлади. Бунгача колхозчилар юмуш учун район марказига қатнаб, кам деганда ярим кун вақт йўқотар эдилар.

Бўка шаҳрида мебелларни ремонт қилиш цехи очилди. Ҳаммом ва кир ювиш корхонасининг иши яхшиланди. Маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг иш соати меҳнаткашларнинг бўш вақтларига мослаштирилди. Енгил автомашиналарнинг аккумуляторини зарядлантириш, ғилдиракларини балансировка қилиш ҳамда ювиш цехлари мунтазам ишлайдиган бўлди.

Бироқ сессиянинг иккинчи квартал охиригача эса бажарилиши белгилаб қўйилган қарорларидан иккитаси амалга ошмай қолиб кетди. Жумладан, енгил автомашиналарнинг ўриндиқларига ғилоф тикиш йўлга қўйилмади, 1-маиший хизмат кўрсатиш уйи қошида «Гўзаллик» салони очилмади.

— Салон ташкил этиш учун жой ҳам, имкониятимиз ҳам етарли. Гап шундаки, мутахассис йўқ,— дейди район ижроия комитети ташкилий ишлар бўлимининг инструктори Ж. Султонов.— Бизга биринчи навбатда врач-косметолог керак. Бироқ бундай мутахассисни топа олмаяпмиз. Тўғри, бу ишимизнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлмаслиги керак, албатта...

Енгил автомашиналарнинг ўриндиқларига ғилоф тикиш нима учун йўлга қўйилмаганлигини тикувчилик фабрикаси директори М. Абдураимова шундай изоҳлайди:

— Бу ишда бироз суст кашлиякка йўл қўйдик. Биз ғилофларнинг турли намуналарини тайёрлаб, Ўзбекистон Рассомлар союзининг бадиий фондига топшириб қўйганимизга анча бўлган. У ерда тасдиқдан ўтиб келиши билан тикишга киришамиз.— Сўнг хижолатомуз қўшиб қўйди:— Кўряпсизки, битта масаланинг ҳал қилиниши икки-уч ташкилотга боғлиқ...

Ғўза парвариши ниҳоясига етай деб қолган, пахта йиғим-теримига қизғин тайёргарлик кўрилаётган айни шу кунларда район маиший хизмат кўрсатиш уйи ходимлари меҳнаткашларга иш жойида хизмат кўрсатишяпти. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва область партия комитетининг IV пленумлари талаблари асосида ўз иш фаолиятларини қайтадан кўриб чиқмоқдалар. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларининг бир меъёрда ишлашини таъминлашда, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини оширишда район партия ва совет органлари, барча мутасадди ташкилотлар яқиндан ёрдам беришлари керак.

Г. ИЎЛДОШЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЙИЛЛИК ПЛАН—ЮБИЛЕЙГАЧА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб ишлаётган 2-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармаси сайқалловчилари белгиланган топшириқларни муваффақиятли адо этиб, қувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Қурилиш ташкилотининг Ф. Шаҳобиддинов, М. Михайличенко, Ш. Кулягина, Р. Светников сингари бригада етакчилари бошқараётган бўёқчилар ва дурадгорлар коллективлари илғорлар safида боришмоқда. Улар зиммаларига юклатилган топшириқларни мунтазам ортиғи билан адо этишиб ишлашмоқда. Шу туфайли ҳам пойтахтимизнинг Хуршид кўчасида улар томонидан барпо этилаётган 9 қаватли турар жой бинаси битай деб қолди. Объект республикамиз юбилейига қадар фойдаланишга топширилади.

С. СУЛТОНОВ.

ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИ — ЮТУҚЛАРИМИЗ ГАРОВИ

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Буржуа идеологлари советлар мамлакатида яҳудийлар ҳуқуқи поймол этилмоқда, улар мунтазам таъқиб қилиб келинмоқда, деган уйдирмани тарғиб қилаётирлар. Бу билан улар социалистик жамиятда кун сайин камол топиб бораётган миллатлар ўртасида тенглик, дўстлик, бирдамликка раҳна солмоқчи бўлмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими, филология фанлари кандидати, доцент Давид Ниёзовнинг қуйидаги мақоласи социализм душманларининг ана шу сохта уйдирмасини фош этади.

Муаллиф яҳудийлар ҳаёти, бу халқ билими, маданияти билан боғлиқ қатор муаммоларни чуқур ўрганган олимдир. У шу кунларда «Ленинча миллий сиёсат — кичик халқлар (Ўрта Осиё яҳудийлари мисолида) равнақининг асосидир» деган темада докторлик диссертацияси устида ишламоқда.

СОВЕТ ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлабоқ В. И. Ленин коммунистларни миллатлараро алоқанинг юксак маданияти руҳида тарбиялашга, миллий туйғуларга, айниқса, майда миллатларга нисбатан эҳтиёткорлик ва хушмуомалалик билан муносабатда бўлишга чақирди. В. И. Ленин миллий адолат ва тенгликка қатъий риоя қилишга алоҳида эътибор берди, «бу тенгликни, ҳатто эҳтиётсизлик билан, ҳатто ҳазил тариқасида...» бузишга йўл қўймасликни талаб қилди. У шовинизм ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий қарши чиқди. Ленининг бу кўрсатмаларига бизнинг мамлакатимизда шу кунга қадар оғишмай амал қилинмоқда.

1977 йилда қабул қилинган СССР Конституциясининг 36-моддасида: «Турли ирқ ва миллатларга мансуб СССР гражданлари тенг ҳуқуқларга эгадирлар... Ҳуқуқларни ҳар қандай бўлмасин, тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан чеклаш... Қонунга мувофиқ жазоланади» дейилади. Гражданларнинг бу ҳуқуқлари Совет Иттифоқида инсонят тарихида биринчи марта Конституцияда қайд этилибгина қолмай, балки гарантияланди ҳам. Юқорида айтилган фикрлар барча миллатлар қатори Ўрта Осиё яҳудийларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Ўрта Осиё яҳудийларининг аҳволи революциядан илгари аянчли бўлиб, уларнинг хўжалик турмушини амир ва хонлар қаттиқ назорат қилардирлар. Яҳудийлар камситилиши ва сиқиққа олинишидан ташқари, деярли барча гражданлик ҳуқуқларидан маҳрум этилган эдилар. Масалан, Бухоро амирлигида истиқомат қилувчи яҳудийлар учун ҳуқуқларда «21 чекланганлик» номи билан машҳур бўлган бир бутун қоидалар системаси яратилганди. Бу қоидаларга мувофиқ, эркак яҳудийлар аркондан белбоғ боғлаши шарт бўлган. Улар ерга эгалик қилиш, деҳқончилик билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Балоғат ёшига етган барча яҳудийлар «жизза» деб аталган солиқ тўларди... «Жизза» тўламаган киши қаттиқ калтакланар, мол-мулки мусодара қилинар ва бошпанасиз қолдириларди.

Яҳудийларнинг яшаш шароитлари ҳаддан ташқари ёмон эди. Очлик ва ялангочлик уларнинг доимий ҳамроҳи бўлган. Улар асосан кам даромад келтирадиган —бўёқчилик ҳунари билан шуғулланар эдилар. Улар орасида тикувчилар, тўқувчилар, этикдўзлар, сартарошлар ҳам анчагина эди.

Бошланғич диний мактаблар яҳудийлар учун ягона ўқув юрти ҳисобланарди. Уларда асосий ўқув қўлланмаси Таврот бўлиб, у 6—7 йил давомида ўқитиларди. Бошқа дарсликлар йўқ эди. Кичкинагина айби учун ўқувчи қаттиқ жазоланарди.

XX асрнинг бошларидагина Туркистон ўлкасида бир неча рус-тузем яҳудий мактаблари очилди. Бу мактабларда фақат ўзига тўқ оилаларнинг болалари ўқир, Ўрта Осиё яҳудийларининг асосий кўпчилиги саводсиз эди. Айниқса, хотин-қизлар орасида саводсизлар кўп бўлган.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилгандан кейин Ўрта Осиё халқлари ҳаётида тубдан бурилиш рўй берди. Социалистик революция илгари эзилиб келган миллат ва элатларни, шу жумладан, яҳудийларни ҳам озодликка чиқарди. Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг катта ғамхўрлиги натижасида яҳудий миллатига мансуб меҳнаткашлар ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларига тортилди.

СССР Конституциясига мувофиқ Ўрта Осиё яҳудийлари, бошқа миллат вакиллари сингари меҳнат қилиш, дам олиш, илм олиш, соғлиқни сақлаш, уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқларига эгадир.

Совет ҳокимияти йилларида рус, ўзбек ва бошқа халқларнинг ёрдамида Ўрта Осиё яҳудийлари орасидан кўпгина малакали ишчилар етишиб чиқди. Завод, фабрика ва комбинатларда илғор, маълумотли, малакали ишчилар, ишлаб чиқариш новаторлари, рационализаторлари ва бунёдкорлари билан бир қаторда тенглар ичра тенг Ўрта Осиё яҳудийларининг ҳам бутун ишчи сулоласи самарали меҳнат қилмоқда. Жумладан, Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида Иброҳимовлар, Самарқанддаги «Ҳужум» ипакчилик фабрикасида Табибовлар, Бухоро шаҳридаги пойабзал фабрикасида Мошеев сулолалари меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, республикада хизмат кўрсатган артистлардан ташқари, санъат ходимларининг бутун династиялари бор. Булар — раққос ва балетмейстер Оқиловлар оиласи, қўшиқчилар —Бобохонов, Муллоқандов, Толмасовлар оиласи ва бошқалар. Бу ерда шу сулолаларнинг айримлари тўғрисида қисқача ҳикоя қиламиз: 1910 йилда Ригадан Бухорога келган «Пишущий Амур» фирмасининг вакиллари «Шашмақом»ни келажак авлодларга сақлаб қолиш мақсадида 30 та пластинкага атоқли ашулачи Леви Бобохоновнинг овозини ёзиб оладилар. Бундан хабар топган Бухоро амири Олимхон Леви Бобохоновни ўлдиртирмоқчи бўлади. Леви Бобохоновнинг ўзбек ва тожик дўстлари Самарқандга қочиб кетишига кўмаклашадилар. Леви Бобохоновнинг ўғли — Моше Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон халқ ҳофизи бўлди. Леви Бобохоновнинг уч набираси — Моше Бобохоновнинг ўғиллари Ари, Борис ва Юрий консерваторияни гугатган музиқачилардир. Ари Бобохонов халқаро ижрочилар фестивалининг лауреати бўлди ва бронза медали билан мукофотланди.

Исохор Оқилов оиласини олайлик. Раққос ва балетмейстер И. Оқилов — ЎзССР халқ артисти, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, 14 та орден ва медаллар кавалеридир. У бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланган, бир не-

УЧ ЙИЛДА УЧ БАРАВАР

МАШИНА катта йўлдан чапга бурилиб, Чирчиқ дарёси ёқалаб юргач тўхтади.

— Етиб келдик,— деди шофёр. Атрофга назар ташлаймиз. Ҳамма ёқ ўрмонзор. Сўқмоқ йўлдан бироз ичкари юргач, дарахтлар орасида бир уй кўзга ташланди. Бу совхознинг маъмурий биноси эди.

Директор Ҳамроқул Холиқов шу ерда экан.

— Яхши биласиз,— деди у биз билан ҳол-аҳвол сўрашгач,— асаларичилар кўчманчи бўлишади. Ҳозир Паркент этакларидаги қўрамизга кетаётган эдим.

У ҳамроҳ бўлишни таклиф қилди.

— Шофёр йўл ҳозирлигини кўриб турсин,— деди у. — Мен сизни бу ердаги ишларимиз билан таништирай...

...Совхоз 1982 йил февраль ойида ўрмон хўжалиги базасида ташкил этилди ва Чирчиқ дарёси бўйларидаги яроқсиз шағал, тошлоқ ерлардан 867 гектар майдон ажратиб берилди. Бунинг 450 гектари дарёлар ҳисобига чиқиб кетади. Ўрмон хўжаликларидан 2230 та асалари оиласи янги хўжаликка ўтказилди.

Директор мутахассис кадрларни танлаб, дастлабки ташкилий ишларни йўлга қўйгач, асаларичилар билан суҳбат ўтказди.

— Ишни пудрат асосида ташкил этамиз,— деди у.— Қўшимча ҳақ ва мукофот пуллари пировард натижага қараб берилади. Агарда шартнома бандлари тўла бажарилмаса шунга яраша тегишли ҳақнинг бир қисми чегириб қолинади.

Совхоз маъмурияти ўз навбатида асаларичиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Дастлабки қадамлар анча дадил бўлди. Биринчи йилиёқ 19 тонна маҳсулот олинди. Бундан руҳланган совхоз ишчилари келгуси йилда янада зўр ғайрат ва уюшқоқлик кўрсатиб меҳнат қилдилар ва пландаги 45 тонна 200 килограмм ўрнига давлатга салкам 47 тонна асал сотилди. Бундан ташқари 26 килограмм ўрнига 28 килограмм прополис, 1 тоннадан ортиқ асал мўми олинди. Бундай кўрсаткичга асаларичилар ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, сермаҳсул асалари зотларини ва оилаларини кўпайтириш туфайли эришилди. Уч йил ичида асалари оиласи уч баравар кўпайиб 6 мингтага етди. Албатта, маҳсулот солмоғи ҳам шунга яраша бўлмоқда.

СССР Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган совхоз ишчилари бу йил зиммаларига оширилган мажбурият олганлар. Улар 1984 йилда шифобахш маҳсулот етиштиришни 75 тоннага олиб чиқиш ва давлатга 55 тонна асал сотиш учун бел боғлаганлар. Ҳар бир асалари оиласидан кам деганда 20 килограммдан маҳсулот, 575 та асалари оиласи олиш, 50 килограмм прополис ва салкам 2 тонна мум сотишга аҳд қилганлар.

Директор ана шулар ҳақида сўзлар экан, қўшимча қилди.— Имконият, резервлар бор бўла туриб, фақат бир тармоқнинг ўзини ривожлантириш билан кифояланиш ҳозирги кунимизнинг талабларига жавоб бермайди, албатта. Гап бу ерда ёрдамчи, қўшимча соҳалар ҳақида бормоқда.

Совхоз марказини айланар эканмиз, директорнинг бу гапларида жон бор эканлигининг гувоҳи бўлдик. Бедазорлар, маккажўхори пайкаллари кўзга ташланди.

— Дастлабки йилиёқ тошлоқ ерлар текисланиб, бошқа ерлардан тупроқ олиб келиниб тўкилди ва 35—40 сантиметр қалинликда гўнг, фосфор солинди. Ана шу тариқа 10 гектар ер ўзлаштирилиб, беда экиб қўйилди. Шу йилнинг ўзидаёқ гектаридан 25 центнердан беда пичани йиғиб ғарамланди. Ўтган йили яна 10 гектар ер шу тариқа ўзлаштирилиб, унинг олти гектарига дон учун маккажўхори экилди. Гектаридан 40 центнердан ҳосил олинди. Қолган ерга беда сепилди. Ёрдамчи чорвачилик хўжалиги ташкил этилди ва 10 та қорамол боқувга қўйилди. Ҳозир уларнинг сони 20 тага етди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Совхозда тошлоқ ерларга ҳужум давом эттирилмоқда. Бу йил кам деганда 20 гектар ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритишга аҳд қилганлар. Шундан 10 гектар ерга эрта баҳорда беда сепиб қўйилди. Деҳқончиликдаги ютуқларни мустаҳкамлаб, 7 гектар маккажўхорининг ҳар гектаридан 50 центнердан дон, эски бедазорлардан 80 центнердан, янги бедазорлардан 30 центнердан пичан олиш учун кураш қизғин бормоқда. 5 гектар ерда ташкил этилган токзор, 2 гектар ердаги олмазор ва шафтолизор келгуси йилдан бошлаб ҳосилга киради. Кузда бу ишлар давом эттирилади. Бундан ташқари уч гектар ерда кўчатзор ташкил этилди. Ўтган йили терак, узум, чинор кўчатлари кўплаб етиштирилди ва уларни сотиш ҳисобига 5600 сўм даромад қилинди. Шунингдек, 4 минг сўмлик хашак сотилди. Ҳозирги кунда ёрдамчи хўжаликдан олинаётган маҳсулот совхоз ишчиларининг эҳтиёжини қондиришда қўл келмоқда. Ҳар куни 40—45 литр сут соғиб олиниб, асаларичиларга тарқатилади. Бўрдоқига боқилаётган қорамоллар ҳам сўйилиб, совхоз ишчи-хизматчилари эҳтиёжи учун ишлатилади.

Буларнинг ҳаммаси, табиийки, совхоз экономикасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Асосий тармоқдаги ишлар қандай бормоқда?

Бу саволга жавоб олиш мақсадида совхознинг Паркент зонасидаги қўралари томон йўл олдик. Бу ерда Пирмат ака Орзиматов бошлиқ асаларичиларнинг иши билан танишдик. Пирмат ака салкам 30 йилдан буён шу касб билан шуғулланиб келади. Шу йиллар давомида катта тажриба орттирди, кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ҳозир улар, турли хўжаликларда муваффақият билан меҳнат қилишмоқда.

— Бу йил баҳор кечикиб келганлиги туфайли тоғ-тошлардаги ўт-ўланларнинг ўсиши кўнгилдагидек бўлмади,— дейди у.— Лекин биз баҳона қидирмадик. Изландик, гапнинг тўғриси ҳам шу: инсон қайси касб билан шуғулланмасин астойдил бўлса, омад ундан ҳеч вақт юз ўгирмайди. Биз оиламиз билан асалари боқамиз. Шароитни, об-ҳавонинг қандай келишини ҳисобга олиб, иш юритамиз. Ана шунга қараб асалари уяларини вақти-вақти билан ўт сероб ва яхши гуллаган жойларга кўчириб турамиз. Сени тушунишса, қўллаб-қувватлашса, мулоҳазаларингни ҳисобга олишса ишинг юришаверади.

Пирмат ака бу гапларни айтгач, бироз жим қолди. Бунинг боиси бор эди... У бундан уч йил илгари совхоз раҳбарлари билан бир масалада тортишиб қолди. Келишолмади. Шундан сўнг асаларичиликдан воз кечиб, деҳқончилик билан шуғулланишга жазм қилди. Уч йил шу зайлда ўтиб кетди. Лекин Пирмат аканинг кўнгли асаларичиликда эди. Вояга етган ўғиллари уни ҳоли-жонига қўйишмади. Асалари боқайлик, биз сизга ёрдам берамиз, деб туриб олишди.

— Орият кучлилик қилиб, бу гапни ўзим айтолмай юрган эдим,—дейди у.— Фарзандларим дилимдагини айтишди. Уларнинг райини қайтариб бўлармиди. Шу баҳона яна севган касбимга қайтдим. Кам бўлаётганимиз йўқ. Обрў-эътиборимиз бор. Энг муҳими ўз ишимиздан ўзимиз қониқиш ҳосил қилиб, меҳр билан, берилиб, завқ-шавқ билан ишлаяпмиз. Шунинг учун ҳар йили планларимизни ошириб бажарамиз. Ҳар бир асалари оиласидан 20—25 килограммдан ҳосил олаяпмиз.

Асалари жуда ажойиб жонивор. У март, апрель ойларида ўзи учун ишлайди. Тухум қўяди. 21 кунда бола очиб учиб чиқади. У ўзи учун ишлаган пайтда бизлар унинг учун меҳнат қилишимиз керак. Ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туришимиз зарур. Ҳар хил касалликларнинг олдини олиш чораларни кўриш талаб этилади. Ариларнинг кўп болалаши учун уларни гўзал табиат қўйнига олиб чиқиш керак. Ҳар хил микроэлементлар билан уни боқиш керак. Ҳатто номокоб қилиб, емхонасига солиб қўйишни ҳам унутмаслик керак.

Совхозда Пирмат ака Орзиматов сингари ўз ишининг жонкуяри бўлган асаларичилар кўп. С. Емец, Ш. Мамашаева, С. Рижков, В. Кох, Г. Шелпяков каби ўртоқлар ўзаро мусобақада юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Уларнинг ҳар бирига 80—130 тадан асалари оиласи бириктирилган. Бу азаматлар ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб, йил сайин мўл ва сифатли маҳсулот олиб келмоқдалар.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БОЛГАРИЯДА БИРИНЧИ

● **Замонавий услубда қурилган улкан сузиш ҳавзасида дельфинлар боқиляпти. Унинг узунлиги 15 метр, эни эса 12 метрга, чуқурлиги 6 метрга тенгдир. Шу йилнинг бошида бу ерга тўрт дельфин келтирилди. Улар Кариб денгизидан тутилган бўлиб, Испанияда томоша кўрсатишга ўргатилди.**

Варна шаҳрининг денгизга яқин қирғоғидаги паркда қурилган бинога яқинда томошабинлар келишади. Дельфинлар ўргатилган машқларини бажариб, уларнинг олқишига сазовор бўлиши турган гап.

РЕКОРД ҚИММАТГА ТУШДИ

● **Англиялик Жорж Мекан қўйган рекорд «Гиннес рекордлар китоби»га киритилиши мумкин. Мекан Америка қитъасининг жанубидан шимолигача бўлган 12 минг километр йўлни 7 йил ичида пиёда босиб ўтди.**

Бу билан у «ғалати рекорд» қўйди. Аввало, ишсиз қолди. Сайёҳнинг рафиқаси ва икки боласи 7 йил мобайнида фақирона кун кечиришди. Бундай нохушликлар устига яна бир воқеа қўшилди: Меканнинг америкалик нашриётчиси йўл хотираларининг ягона қўл ёзмасини олиб, қаёққадир ғойиб бўлган.

ЖИНОЯТЧИ — ТАРТИБ ҚЎРИҚЧИЛАРИ

● **Брюсселдаги Завентем аэропортини ҳимоя қилувчи бригада аъзоларидан 8 киши қўлга олинди ва турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.**

Қўлга тушган «тартиб қўриқчилари» тунда аэропорт территориясини назоратдан ўтказа туриб, бу ерда турадиган автомашиналарнинг эшикларини очиб кўп марта керакли нарсаларни ўғирлаб кетишган.

НЕФТЬ ЎРНИГА ИССИҚ СУВ

● **Италиялик пармаловчилар ҳайратга тушишди: Феррар шаҳри яқинидаги жой пармаланаётганда нефть ўрнига иссиқ сув отилиб чиқди.**

Маҳаллий аҳоли табиатнинг бу эҳсонидан мамнун бўлди. Италияда хоналарни иситиш нархи ошган пайтда тайёр иссиқ сувнинг топилишига нима етсин!

ТЕРРИТОРИЯ ДАЪВОЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ТОКИО, 21 август. (ТАСС). Кйодо Цусин агентлиги Пекиндаги дипломатия доираларига таяниб хабар беришича, раис Ли Сяньнянь Япониянинг «Шимолий территориялар» хусусидаги позициясини, яъни Япониянинг Курил тизмалари жанубий қисмининг СССРга қарашли ороллари территориясини асоссиз равишда даъво қилаётганлигини қўллаб-қувватлашини яна изҳор этди.

ҲИНД ОКЕАНИ ТИНЧ БЎЛСИН

НЬЮ-ЙОРК, 21 август. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қароргоҳида БМТнинг Ҳинд океани масалалари билан шуғулланувчи махсус комитети навбатдаги сессияси очилди. Сессиянинг кун тартибига Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги халқаро битимни ишлаб чиқишга бағишланган конференцияга тайёргарликни туғаллаш масаласи киритилган. Бу мўътабар анжуман Шри-Ланка пойтахтида, БМТ Бош ассамблеяси 38 сессиясининг қарорига мувофиқ, 1985 йилнинг биринчи ярмидан кечиктирмай ўтказилиши керак.

Ҳинд океанининг кенг акваториясини ва унинг соҳилига туташ давлатларни тинчлик зонасига айлантириш зарурлиги тўғрисидаги ғояни қўшилмаган мамлакатлар ўртага қўйган эдилар, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бу ғояни тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар.

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ДЕҲЛИ. Совет — Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигининг энг катта объектларидан бири — Бихар штатининг Ранчи шаҳридаги оғир машинасозлик заводи меҳнатчилари маҳсулотнинг янги турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Улар СССРда ишлаб чиқилган СБШ-250 маркали бурғилаш станокларини ишлаб чиқаришга киришдилар.

ДАМАШҚ. Сурия ҳукумати мамлакатда соғлиқни сақлаш даражасини оширишга ва Суриянинг бутун территориясида ривожланган медицина хизматини ташкил этишга катта эътибор бермоқда. Шу мақсадда мамлакатда медицина хизмати кўрсатишнинг амалдаги системаси доимо такомиллаштирилмоқда, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги касалхоналар қурилмоқда. Поликлиникалар очилмоқда. Ҳозирги вақтда, деб хабар қилди САНА агентлиги, соғлиқни сақлаш министрлиги маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда энг олис посёлкаларда медицина пунктларини очиш вазифасини ҳал қилмоқда.

ҚОҲИРА. Бу ерда чет элларда ишлаётган мисрликларнинг иккинчи умуммиллий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда чет эллардаги мисрликлар олдида, шунингдек уларнинг бошқа мамлакатларга кетиб қолиши муносабати билан мамлакат олдида турган проблемалар муҳокама қилинди. Конференцияда сўзга чиққан делегатлар, жумладан, Мисрда ишчи кучларининг етишмаётганлигига ва муҳожирларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига эътиборни жалб этдилар. (ТАСС).

ЯНГИ БОСҚИЧДА

ХАНОЙ. Вьетнам пойтахтининг саноат корхоналарида социалистик мусобақанинг янги босқичи бошланди. Бу босқич шонли сана—Ханой француз мустамлакачиларидан озод қилинган куннинг 30 йиллигини муносиб кутиб олиш шиори остида ўтади. Бу юбилей шу йилнинг октябрида нишонланади.

(ТАСС).

ХАЛҚ РУМИНИЯСИ — 40 ЁШДА

СОЦИАЛИСТИК ЎЗГАРТИШЛАР ЙЎЛИДАН

Бугун Руминия социалистик республикаси меҳнаткашлари миллий байрам — мамлакат фашизм зулмидан озод этилганлигининг 40 йиллигини тантанали нишонлайдилар. Қардош румин халқи билан биргаликда совет кишилари ҳам бу шонли санани байрам қилмоқдалар.

Мамлакатларимиз халқлари 1944 йил август ойидаги воқеаларни яхши хотирлайдилар. Худди ўша пайтда Совет Армияси Ясси-Кишинёв операцияси давомида немис-фашист қўшинларини қақшатқич мағлубиятга учратиб, Антонеску режимининг қулатилиши учун қулай шароит яратдилар.

Коммунистлар бошчилигидаги ватанпарвар кучлар томонидан амалга оширилган 23 августдаги қуролли қўзғолон румин халқи тақдирида туб бурилиш ясади, мамлакат тарихида янги даврни — социализм даврини бошлаб берди. «Руминия Коммунистик партияси, бутун халқимиз, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет Иттифоқи халқлари ва унинг қудратли армияси берган ёрдамни ҳеч қачон ёддан чиқармайди, — деб таъкидлаган эди Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушеску. — Бу қудратли армия фақат ўз Ватанини озод қилиш учунгина эмас, шунингдек, фашизмни узил-кесил тормор қилиш учун қон тўкди, Руминия бутун территориясини озод қилинишига кўмаклашди».

Румин халқи фашист зулмидан озод этилгандан кейинги йиллар мобайнида Коммунистик партия раҳбарлигида туб социал-иқтисодий ўзгартишларини амалга оширди. Улар ўз мамлакатларини қолоқ аграр давлатдан экономикаси кўп тармоқли, ривожланаётган социалистик давлатга айлантирдилар. Совет кишилари қардош Руминияда янги ҳаёт қуришда эришилган ютуқлардан самимий қувонадилар.

Руминиянинг урушдан кейинги тарихи совет ва румин халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бориши билан характерлидир. 1948 йилда имзоланган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома мамлакатларимиз ўртасида 20 йилдан кўпроқ давр ичидаги самарали ҳамкорлик асосини ташкил этди. Шундан сўнг бу муносабатлар 1970 йил 7 июлда имзоланган янги шартномада ҳамда 1976 йилги совет-румин қўшма баёнотида мустаҳкамланди.

Совет Иттифоқининг техникавий ёрдамида қурилган 100 тадан кўпроқ йирик корхона ва объектлар совет-румин дўстлигининг ҳақиқий рамзидир. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги пайтда Руминия экономикасида етакчи ўринни эгаллайди. Шуни айтиш кифояки, бу объектларда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг ярмидан кўпроғи ҳосил қилинади, кўплаб миқдорда кувурлар, тошкўмир, қора металлар прокати, кимёвий ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Бизнинг мамлакатимиз Руминиянинг асосий савдо шеригидир. Руминия Совет Иттифоқидан ўзи учун керакли бўлган темир рудаси, калий ўғитлари, тошкўмир, тўқимачилик маҳсулотлари олади. Ўз навбатида Руминия СССРга кўп миқдорда кийим-кечак ва мебель, чарм пойабзал, химия товарлари жўнатади.

Социалистик Руминия билан ҳамкорлик ҳақида гап кетар экан, бу ишга оммавий жамоатчилик ташкилоти ҳисобланган совет-румин дўстлик жамияти қўшаётган ҳисса тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Жамият мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш соҳасида кўп иш қилмоқда. Бунда асосий эътибор халқларимизни давлатларимизнинг коммунистик ва социалистик қурилишдаги ютуқлари билан таништиришга қаратилгандир.

Совет-румин дўстлик жамияти фаолиятида бизнинг Тошкент шаҳар бўлими ҳам фаол иштирок этмоқда. У ўз атрофига жамиятнинг коллектив аъзолари бўлган 30 га яқин корхона, ташкилот ва муассасани бирлаштирган. Улар орасида Тошкент экскаватор заводи, Ўзбекистон ССР давлат санъат музейи, М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи, онкология ва радиология илмий тадқиқот институти ва бошқалар бор. Шаҳар бўлими правлениесида 25 киши — ишлаб чиқариш илғорлари, ёзувчилар, журналистлар, артистлар сайлангандир.

Тошкент шаҳар бўлимимиз Руминиядаги 50 та турли ташкилотлар билан алоқа ўрнатган. Ҳар ой биз уларга Совет Ўзбекистони экономикаси ва маданиятига оид турли материаллар, фотосуратлар, журнал ва китоблар юборамиз. Ўз навбатида бўлимимиз қардош мамлакатдан «Руминия», «Скинтейя», «Руминская литература» ва бошқа журналларни олиб турамиз.

Бўлимимиз, бошланғич ташкилотларимиз ҳар йили Руминия тарихидаги шонли саналар: СССР билан Руминия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган кунни, Руминия фашизмдан озод қилинган кунни, Руминия республика деб эълон қилинган кунни кенг нишонлайдилар. Бу тадбирларда Руминияни фашизмдан озод этиш учун бўлган жангларда иштирок этган уруш ветеранлари, Руминияга ёрдам кўрсатишда қатнашган мутахассислар, бу мамлакатда бўлган делегациялар аъзолари ва туристлар иштирок этадилар.

Ўтказаётган тадбирларимизда руминиялик меҳмонлар ҳам қатнашадилар. Жумладан, улардан РСР социал-тарбия ва маданият министрининг ўринбосари М. Стэнеску, «Аджер пресс» агентлигининг бош директори И. Кумпэнешу, Братов университетининг проректори В. Хофмак, Руминия Қизил крест жамияти миллий комитетининг секретари С. Дрэгой, РСРнинг Москвадаги элчихонаси ходимлари И. Опря, Л. Песторя ва бошқалар бўлимимиз меҳмонлари бўлишди.

Вакилларимизнинг Руминияга сафарлари ҳам халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. Кейинги 10 йил мобайнида қардош мамлакатга бўлимимизнинг 4 делегацияси бориб келди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненко Руминия Компартиясининг Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушескуга шу йил 4 июлда Октябрь революцияси орденини топшириш маросимида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Биз партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари, иттифоқчилик алоқалари марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализмнинг метин принциплари негизида, социализм ва тинчлик иши манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверишни учун бундан буён ҳам ҳамма ишларни қилаверамиз».

Бугун биз қардош румин халқини шонли байрам билан қутлар эканмиз, бўлимимиз ва унинг активлари мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик тобора мустаҳкамланиб, ривожланиб бориши учун ҳамма чораларни кўришларига ишонамиз.

А. МУҲАМЕДОВ,
совет-румин дўстлик жамияти Тошкент шаҳар бўлимининг раиси, Тошкент Давлат маданият институтининг проректори.

● **Руминияда саноат маҳсулотлари ҳажми урушдан аввалги даражадан 50 мартоба кўпайди. Айниқса, энергетика, машинасозлик, металлургия ва химия жадал ривожланяпти.**

● **СССР билан РСР ўртасидаги товар обороти 1946 йилдаги 47 миллион сўмликдан ўтган йили 3,3 миллиард сўмликка етди.**

● **Урушдан кейинги даврда мамлакат шаҳар ва қишлоқларида 15,5 миллион киши учун 4,9 миллионта квартира қурилди. Бу Руминия аҳолисининг ярмидан кўпроғи янги квартираларга кўчиб кирди, деган гап.**

● **Мамлакатда урушдан аввал 16 миллион аҳолидан 4 миллиони саводсиз эди. 1955 йилга келиб саводсизлик тўла тугатилди. 1983 йилда олий ўқув юртларида 190,9 минг студент ўқиди. Бу 1938 йилдагидан 7 баравар кўпдир.**

● **1938 йилда Руминия қишлоқларида атиги 1486 врач ишларди. Ўшанда 8 минг деҳқонга атиги 1 врач тўғри келарди. Ҳозир эса 538 кишига битта врач тўғри келади.**

● **Ҳозирги пайтда республикада 45 та драматик, 5 та опера, 16 та музикали, эстрада ва оперетта, 24 та қўғирчоқ театри, 15 та симфоник оркестр, 7 та ашула ва рақс ансамбли, 36 та халқ оркестри ва давлат цирки ишлаб турибди. Бу урушдан аввалгига қараганда анча кўпдир.**

● **Руминияда 710 та турли вақтли матбуот органлари, шу жумладан 60 та газета ва 442 та журнал чиқарилади. Уларнинг бир йиллик тиражи 1,3 миллиард нусхадан кўпдир.**

● **Мамлакатда К. Маркс ва Ф. Энгельс асарлари, В. И. Лениннинг 40 томли асарлар тўплами ва 55 томли Тўла асарлар тўплами нашр этилган. В. И. Ленин асарларининг умумий тиражи 6,6 миллион нусхани ташкил этади.**

Халқ ҳокимияти йилларида Руминия пойтахти таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу ерда янги, кўркам, осмонўпар маъмурий, маданий ва маиший бинолар, турар-жойлар қад кўтарди. Суратда: Бухарест марказининг кўриниши.

АДЖЕР — пресс — ТАСС фотоси.

ТОК БАРГИДАН ОЗУҚА

ҒАЛАБА районидаги «Огонёк» совхоз-заводи чорвадорлари қишловга тайёргарликни авж олдириб юбордилар. Бу жиҳатдан, айниқса, Г. Кан бошчилик қилаётган 4-бўлим озуқакорларининг меҳнатлари диққатга сазовор бўлмоқда. Уларнинг техникадан унумли фойдаланишлари туфайли совхозда шу кунгача 550 тонна хашак, 150 тонна беда уни, 1,5 минг тонна сенаж, 800 тонна силос жамғариб қўйилди. Озуқа экинларини ўз муддатида ўриб-йиғиб олишда ота-болалар Адоль, Владимир ва Александр Шмитлар ҳамда А. Мотер, В. Иванов, Р. Рафатов, Ф. Кельм сингари механизатор ва ишчилар бошқаларга намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Совхоз меҳнат аҳли бу йилги қишловга пухта ҳозирлик кўриш жараёнида янги бир тажрибани қўлламоқдалар. Маълумки, узумдан мўл ҳосил етиштириш учун одатда токлар хомток қилинади. Совхоз узумзорлари анчагина майдонни эгаллайди. Аввалари хомток қилиш пайтида юлиб ташланган барглар узумзор четларига чиқариб ташланар, гоҳ-гоҳида фермаларга олиб борилиб, молларга кўк озуқа сифатида тарқатиларди. Эндиликда совхозда ана шу барглардан витаминли ун тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу маҳсулот сервитаминлилиги ва тўйимлилиги жиҳатдан беда унидан қолишмайди.

Совхоз озуқакорлари республика хўжаликлари орасида биринчи бўлиб ток баргидан витаминли ун тайёрлашга киришдилар.

Г. МАМБЕТОВА.

ча марта Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурслар лауреати унвонини олган. Унинг турмуш ўртоғи — Маргарита Оқилова Ўзбекистон ССР халқ артисткаси, Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурсларининг лауреати, Ленин комсомоли мукофотининг лауреатидир. У 1957 йилдан буён Ю. Гагарин номли тўқимачилар саройи қошидаги ҳаваскорлик халқ ансамблига бадиий раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг катта қизи Вилоят Оқилова Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистка. Иккинчи қизи — Зулайҳо эстрада санъати соҳасида балетмейстерларнинг Бутуниттифоқ конкурси лауреати, Москонцертнинг балетмейстери ва солисткаси, дунё халқлари рақсларининг ижрочисидир; учинчи қизи — Гавҳар Тошкент маданият институтида хор дирижёрлигидан дарс беради, кичик қизи —Лола «Шодлик» ансамблида солистка бўлиб ишлайди Лола ансамбль составида қатор чет элларда бўлди. У бир қанча фильмларда суратга тушган, буларда у ўзбек рақсларини зўр маҳорат билан ижро этган. Ўғли Юсуф Москва консерваторияси қошидаги музика мактабида ўқийди.

Революцияга қадар яҳудий аёллари ҳуқуқсиз ва ёппасига саводсиз эдилар Совет ҳокимияти даврида Ўрта Осиёлик яҳудий аёллардан давлат аппаратида ва партия ташкилотларида кўпгина юқори мансабли ходимлар, олималар етишиб чиқди. Чунончи, болалар уйида тарбия топган, ишчи оиласида дунёга келган ва ўзи ҳам ишчи бўлиб ишлаган Зинаида Кураева СССР Олий Советига депутат қилиб сайланган, Бухоро шаҳар партия комитетининг секретари бўлган. Бухорода ҳунарманд косиб оиласида туғилган Сора Юсупова академик бўлди... Эстер Мушеева ўч ёшлигида етим бўлиб қолди. Совет ҳокимияти даврида Кармина ипак қурти (гренажный) заводида ишчи бўлиб ишлади. Кейин Ўрта Осиё Давлат университетининг юридик курсларини битирди ва Бухоро шаҳри 1-участкасида халқ судьяси бўлиб ишлади. Мазол Калонтарова СССР халқ артисткаси, Раъногул Юсупова эса Қашқадарё областининг Муборак шаҳрида СССР Қурилиш банки бўлимининг бошқарувчисидир.

Ўрта Осиё яҳудийларидан турли фан соҳаларида ишлаётган 20 дан ортиқ фан доктори, профессорлар ва кўпгина фан кандидати ва доцентлар, бир қанча Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоблари етишиб чиққан. Булар —Исаак Калонтаров, Натан Маллаев, Азарьё Михайлов, Борис Пинхасов, Давид Очилдиев, Юна Датхаев... Андижон шаҳрида туғилиб, ҳозирги вақт Москвада истиқомат қилаётган химия фанлари доктори Яков Исаков СССР Давлат мукофотининг лауреатидир. Биргина Андижон Давлат медицина институтида Ўрта Осиё яҳудийларидан илмий унвон ва даражага эга бўлган 10 киши: 2 профессор (Аркадий Пўлотов ва Гавриэл Хаимов) ва 8 фан кандидати ҳамда доцентлар ишламоқда.

Ўрта Осиё яҳудийлари бошқа халқлар билан бир қаторда давлат аппаратида йирик раҳбарлик лавозимларида ишламоқдалар. Чунончи, Ўрта Осиёда ягона Х. Сулаймонова номидаги Суд экспертизаси илмий текшириш институти мавжуд бўлиб, бу институтни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Борис Пинхасов бошқармоқда. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист Семён Аронов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Госпланининг бўлим мудиридир. Союзглавлес Гослесоинспекциясининг Ўрта Осиё бўлими бошлиғи Уриэл Кайковдир. Ўрта Осиё яҳудийлари саноатда ҳам раҳбарлик ўринларини эгаллаб келмоқда: Давид Фузайлов —Савдо ускуналари заводининг директори. СССР Давлат банкининг Тошкентдаги икки катта райони бўлимини Ўрта Осиё яҳудийларидан чиққан кишилар бошқармоқда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист Борис Ғолибов Ленин район банкининг, Дониэл Ягудаев эса Фрунзе район банкининг бошқарувчисидир.

Ҳозирги кунда бир қанча яҳудийлар ишлаб чиқариш, ўқув юртлари ва муассасалардаги хизматларини ижтимоий иш билан қўшиб олиб бормоқдалар, давлатни бошқаришда қатнашмоқдалар. Мана улардан баъзилари: юқорида тилга олинган Борис Пинхасов— Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, қонунлар чиқарадиган Доимий комиссиянинг раиси; 162-қурилиш трестининг бош инженери Михаил Хожаев — Андижон шаҳар Советининг депутати; Самарқанд Давлат педагогика институтининг доценти Рена Елизарова — Самарқанднинг Железнодорожний районидаги халқ судида халқ маслаҳатчисидир. Ишчи оиласидан чиққан ёш ишчи Лариса Табибова эса Самарқанддаги «Ҳужум» ипакчилик фабрикасида меҳнат қилиш билан бирга район Советининг депутати ҳамдир.

Бундан ташқари, Ўрта Осиё яҳудийларидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилаётган кўпдан-кўп юқори малакали кадрлар бор. Булар хизмат кўрсатган ўқитувчи, врач, юрист, инженер, экономист, ирригатор унвонларига эга бўлган мутахассислардир. Маданият, қишлоқ хўжалиги, физкультура ва спорт каби соҳаларда хизмат кўрсатган ходимлар ҳам кўп.

Ўзбекистонда 120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. КПСС ва Совет ҳокимияти ленинча миллий сиёсатини оғишмай амалга ошира бориб, Советлар мамлакатида халқларнинг мустаҳкам дўстлигини барпо этди. Ўрта Осиё яҳудийларининг бугунги ҳаёти ана шу одил сиёсатнинг ёрқин намунасидир.

Давид НИЁЗОВ,
филология фанлари кандидати, доцент.

Монтаж хонасидан репортаж

«ҲАЙКАЛ»

«ЎЗБЕКФИЛЬМ-84»

РЕЖИССЕР Анатолий Қобуловни киностудиянинг монтаж хоналаридан бирида, қизғин иш устида учратдик. У монтажчи Нэлли Габбасхонова билан биргаликда ленталарга туширилган бўлажак фильм эпизодларини кўздан кечираётган экан. Анатолий Зуҳуровичнинг ишораси билан қаршимиздаги монтаж столининг жажжи экранида елкаларига қоп ортган икки йигит ва бир бола кўринди. Йигитларнинг кўзлари ёниб, нажот билан болакайни сўроққа тутардилар:

— Ўзи, яхши ҳайкал ишлай олади-ми, ишқилиб?

— Нимасини айтасиз, жуда зўр ҳайкалтарош. Айтганларингизни худди ўзидай қилиб ясайди, — дейди бола уларга жавобан. — Ҳув анову, сўл томондаги эшикни тақиллатсаларинг бўлди. Сизлар излаган одам ўша уйда яшайди. Исми Яков.

Йигитлар болакай кўрсатган кўримсиз эшикни қоқишди. Бўсағада сочлари тўзғиган, 50-55 ёшлардаги, қўллари лой киши пайдо бўлди. Меҳмонлар ниҳоятда ҳаяжонланганларидан унга мақсадларини тушунтира олишмади шекилли, уй соҳиби индамасдан эшикни ёпиб қўйди. Йигитлар яна эшикни тақиллатишиб, уй эгасини чақира бошлашди. Эшикни очган кишига энди улар бир амаллаб ўз ниятларини англатдилар. Шундан сўнггина мезбон нотаниш йигитларни ичкарига таклиф қилди...

Лента тугаб, экран оқариб қолди. Фурсатдан фойдаланиб, А. Қобуловдан ушбу эпизодни шарҳлаб, сўнгра мазкур фильм ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилдик.

— Ҳозиргина сиз билан бирга томоша қилган эпизод хусусида: бу фильм қаҳрамонлари Жонтой ва Мергеннинг Москвага борган пайти. Улар ҳайкалтарошни қидиришаяпти. Ҳайкалтарошни топишда уларга Шнирь лақабли бола ёрдам беради. Биз ишлаётган картина улуғ доҳиймиз В. И. Ленинга бағишланганлиги билан характерли, шу билан бирга бу мавзу ўта масъулиятлидир. Картинада В. И. Ленинга ўзларининг чексиз садоқати ва меҳр-муҳаббатларини изҳор этиш ниятида унга ҳайкал ўрнатмоқчи бўлган тоғлик бир қишлоқ кишилари ҳақида ҳикоя қилинади. Шу боисдан ҳам мазкур фильмни «Ҳайкал» деб номлашни мўлжаллаб турибмиз. Картина қаҳрамонлари Жонтой ва Мерген ўз ҳамқишлоқлари топшириғини бажариш йўлида жуда оғир қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Ҳатто босмачилар бошлиғи Обидхон уларни қийнаб, мазах қилганида ҳам улар ўз ниятларидан қайтмайдилар...

Фильм сценарийсини РСФСР Давлат мукофотининг лауреати, кинодраматург Рудольф Тюрин ёзган. Уни кино санъати мухлислари «Нон таъми» фильмининг авторларидан бири сифатида яхши биладилар. Картинадаги Жонтой ва Мерген ролларини «Ёш гвардия» театрининг актёри Карим Мирҳодиев ва «Ўзбекфильм» қошидаги киноактёрлар студиясининг қатнашчиси Жамол Ҳошимовлар ижро этишмоқда. Шунингдек, картинада Наби Раҳимов (Муталлиб ака), Ҳамза Умаров (Обидхон), Леонид Кулагин (Яков), Роман Ткачук (милиционер Еремейчик) сингари тошкентлик ва москвалик актёрлар иштирок этмоқдалар. Фильмни оператор Д. Абдуллаев суратга олмоқда. Декорация эскизларини рассом Е. Пушин чизаяпти. Композитор Р. Вильданов куй басталамоқда.

Суратга олиш группамиз яқинда Москвадан қайтди. Ҳадемай тағин сафарга жўнаймиз. Унгача лентага туширилган эпизодларни кўриб чиқишимиз зарур. Шу боисдан тинимсиз ишлашга тўғри келмоқда. Ҳозиргача биз картинанинг асосий воқеаларини суратга олиб бўлдик. Энди қишлоқларга тааллуқли эпизодлар қолди. Уларни Исфарада лентага туширишни мўлжалламоқдамиз...

Жажжи экранда қизил аскар кийимидаги Жонтой ва чопон кийган Мерген намоён бўлди. Улар энди жонажон юртларига қайтмоқдалар... Режиссёрнинг бутун диққат — эътибори экранда. У бўлажак фильм, ҳар бир қатнашчининг ҳатти-ҳаракатида, ҳар бир деталда ясамалик йўқмикан, деган ҳавотир билан ленталарни кузата бошлади...

— Серқуёш ўлкамизнинг барча меҳнат аҳли шу кунларда Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш иштиёқида ғайрат кўрсатиб ишламоқда. Биз, санъаткорлар ҳам ўзимизнинг янги асарларимизни шонли юбилейга туҳфа этамиз, — дейди Анатолий Зуҳурович суҳбат сўнггида...

Режиссёр билан хайрлашдик. Республикамиз тарихининг шонли саҳифаларини акс эттирувчи мазкур фильм қутлуғ санага яхши совға бўлади, деган ўй билан студиядан қайтдик.

А. ЕТМИШБОЕВ.

«ОГОҲ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР» МАҚОЛАСИ ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

БИРИСИН ОЙ АНГЛА, БИРИСИН ҚУЁШ

Ҳурматли редакция! Мен газетанинг 18 июль сонида эълон қилинган «Огоҳ бўлинг, одамлар» сарлавҳали мақолани ўқиб чиққач, ушбу хатни йўллашга жазм қилдим.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам оз бўлса-да орамизда номуносиб фарзандлар учраб туради. Ўзи емай-ичмай, ёлғизгина ўғлини папалаб ўстирган Ҳалима опаға фарзандининг тепкасидан ҳам оғирроқ хўрлик бўлмагандир. Қандай нонкўр ўғил эканки, у, онасини бошига кўтариб юриш ўрнига... Онасига, — бир парча этлигидан боқиб, одам қаторига қўшган инсонга қўл кўтарган фарзанд ҳам одамми?! Ўзимни қаерга қўйишимни билмай, мақолани қайта-қайта ўқиб чиқар эканман, ёдимга бир воқеа тушди.

Шавкат исмли танишим бор. Қўли гул йигит. Лекин ўлгудай ичади. Сўнгра жанжал-тўполон кўтаради. Ота-онасини ҳақоратлайди. Бир боши икки бўлса қуйилиб қолар деган фикр билан уни уйлантириб қўйишди. Қаёқда дейсиз? Энди Шавкат ичиб келиб хотинини ҳам урадиган қилиқ чиқарди. Шу кунларда онда-сонда бўлса-да, уни кўриб тураман. Қартайган ота-онасини боқиш ўрнига ким «яримта» ёки «яримта пули» берса, ўшанинг юмушларини қилиб юрибди.

Ҳайронман, Шавкатга ўхшаб ичкиликка ружу қўйган баъзи ёшларимиз ўзларининг одамгарчиликдан чиқиб кетаётганликларини наҳотки, тушуниб етмасалар?! Бир кунимга ярар деб яхши ният билан фарзанд ўстирган ота-онани эъзозлаш, қадрига етиш фарзанд учун ҳам фарз, ҳам қарз-ку!

Ҳаёт ҳаётда! Вақти келиб, «ота-онамнинг кўзи очиқлигида қадр қила олмадим», — деб афсусланиб юрмаслик учун улар тириклигида меҳр-оқибат билан хизмат қилайлик.

А. РИХСИБОЕВ,
ТошДУ студенти.

СУТ КЎР ҚИЛМАЙДИМИ?!

«Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифасида босилиб чиққан «Огоҳ бўлинг, одамлар» мақоласини ўқиб шу қадар ғазабландимки, гўё нафас олишим учун ҳаво етмаётганга ўхшаб кўринди. Ҳамма нарсани кечирса бўлар-у, лекин онани урган-тепган фарзандни кечириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Мен уруш йилларида кўп қийинчиликларнинг гувоҳи бўлганман. Ўша оғир йилларда, одамлар бир бурда нонни ўртада баҳам кўрган йилларда ҳамма бир-бирига мадад, суянч бўлган. Бири йиқилса, иккинчиси суяган. Наҳотки, бугунги тўкин-сочин кунга келиб, фарзанд ўз туққан онасини тепиб ўтирса? Бунга ҳеч чидай олмаяпман, Шуми меҳр-оқибат? Шуми фарзандлик бурчи? Шу тепкими муштипар онанинг боласидан кутгани?

Мақолани қайта-қайта ўқиб чиқарканман, кўз ёшимни тўхтата олмадим. Ўзимнинг олис ўтган йилларим ёдимга тушди. Турмуш ўртоғим вафот этганида мен ҳам бир этак бола билан қолган эдим. Ўн битта болани отасиз ўстириш, вояга етказиш, ҳаётга йўллашнинг барча қийинчиликлари бошимдан ўтди. Уйга кирсам она, кўчага чиқсам ота бўлганман. Шунисига шукур этиб қувонаманки, болаларимнинг бари эсли-ҳушли, меҳр-оқибатли бўлиб ўсдилар. Катта ўғлим аспирантурада ўқийди. Иккинчиси колхозда сувчи. Қолган ўғил-қизларим ҳам ишлашади, ҳам ўқишади. Улар ҳамиша кўнглимга қарашади. Бир гапимни икки қилган пайтларини эслай олмайман.

...Мақолада ёзилишича Шавкат онасининг якка-ю ягона фарзанди, кўрар кўзи... У эса онасини тепди, орзу-умидларини гул ғунчадек сўлдирди. Она оқ сути кўр қилмайдими?..

Қ. ҚУРБОНОВА,
қаҳрамон она.
Бўка райони.

«ИНТЕРЦИРК—84» КЎРСАТАДИ



Чет эл артистлари бизнинг мамлакат учун қизиқарли «Интерцирк-84» программасини тайёрлаб келган эдилар. Улар ҳозир Тошкент Давлат циркида ўз маҳоратларини намойиш этишаяпти. Суратларда: (юқорида) венгриялик Леопольд Донару ўйинчи отлари билан янги номер кўрсатмоқда; (пастда) болгар артисти Костодин Мечкаров ғалтак машқлари билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Р. Шарипов фотолари.

(ЎзТАГ).



● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ТОШКЕНТЛИК СУЗУВЧИНИНГ ЖАҲОН РЕКОРДИ

Ҳамшаҳримиз, СССРнинг бир неча бор рекордчиси, Европа чемпиони Сергей Заболотнов кейинги йилларда ўзининг зўр маҳорати, юксак кўрсаткичлари билан мутахассисларнинг диққат-эътиборини тортмоқда. «Дружба-84» мусобақаларининг «Олимпийский» спорт комплексида 200 метрга чалқанча сузишда у яна ўзини кўрсатди.

Дастлабки секундларданоқ Сергей Заболотнов пешқадамликни қўлга олди. Жуда тез сузиб, рақибларидан ўзиб кета бошлади. Шеметов ҳам, Рихтер ҳам тенглаша олишмади. Сергей Заболотнов 1.58.41 секунд натижа билан жаҳон рекорди қўйди.

РЕСПУБЛИКАМИЗДАН ИККИ КОМАНДА

Футбол бўйича СССР кубоги мусобақаларининг бу галгиси илгаригига нисбатан ўзгача ўтказилмоқда. Шу йилнинг ўзида чорак финал қатнашчилари аниқланади ва улар келгуси йил кубок эгаси бўлиш учун куч синашишади. Ҳозиргача кубок ўйинларининг 1/32 финал ўйинлари ўтказиб бўлинди. Яқинда СССР футбол Федерациясининг спорт-техника комиссияси қуръа ташлади. 1/16 финал ўйинлари қатнашчилари ва мусобақа ўтказиладиган майдонлар аниқланди. Бу босқичда олий лиганинг 14 командаси қатнашади. «Днепр», Москванинг «Динамо», «Спартак», Минскнинг «Динамо» коллективлари Европа турнирларининг қатнашчиси бўлганликлари учун 1/8 финал учрашувларидан бошлаб иштирок этишади.

1/16 финал ўйинларида республикамиздан икки команда: «Пахтакор» ҳамда Самарқанднинг «Динамо» коллективлари майдонга тушишади. 16 сентябрда «Пахтакор» Батумининг «Динамо»си, самарқандликлар эса ўз майдонларида Вильнюснинг «Жальгирис» командаси билан куч синашишади.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводига қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ярим ўтказгичли асбобларни йиғувчилар, электрон техника асбоблари ва деталларини синовчилар электрон техника асбоблари ва деталларининг контролерлари, радиоаппаратуралар регулировкачилари, технологик ускуналарни созловчилар, синов ускуналарининг созловчи-монтажчилари, токарлар, фрезерчилар, электр пайвандчилар, слесарь-асбобсозлар.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида ва унинг атрофида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 8 синф маълумоти бўлганлар учун 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун 6 ой, радиоаппаратуралар ва асбобларнинг монтажчилари ихтисослиги бўйича қабул қилинган 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар, технологик ускуналарни созловчилар, токарь, фрезерчилар, слесарь-асбобсозлар 72 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланади. 8 синф ҳажмида маълумоти бўлмаганлар давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқиш группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Весна кўчаси, 17-уй (1, 5, 26-трамвайлар, 106-автобуснинг «Фоменко» бекати). Телефон: 91-14-51.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги басидаги

247-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: кондитер, нонвой-тандир нони ва булочка пиширувчи, лаборант-химик, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари ремонти бўйича слесарь, саноат ускуналарини созловчи механик, қурилиш буёқчи-си, автослесарь.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

8 синф ҳажмида маълумот билан ўқишга қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот ҳамда касб тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар 3 маҳал овқат ва кийим бош билан таъминланадилар.

10 синф ҳажмида маълумотлилар 1 йил ўқийдилар ва ойига 30 сўм стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар. Билим юртини битирганлар танлаган мутахассисликлари бўйича Тошкент нон корхоналарида, кондитер-булочка комбинатида, «Ўртоқ» кондитерлик фабрикасида ва Тошкент пиво корхоналарида ишлайдилар.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, «Такт» ансамбли ишлайди ва ҳар хил спорт тўгараклари мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина ва турар жойидан справкалар, 6 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй, (68, 133, 121, 127, 81, 15, 45, 23-автобуслар; 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон: 90-36-69.

Ф. Хўжаев номли 1-пойабзал фабрикаси қошидаги

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: пойабзал қисмларини бичувчи, заготовка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойабзал тикувчи.

Билим юртига қабул қилинган 8—10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар 1-пойабзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойабзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртида ишчи ёшлар мактаби, бепул бичиш-тикиш курси бор. Битирганларга гувоҳнома берилади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойабзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги Давлат комитети
«Водремстроймаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг
БОШ КОРХОНАСИ

пайвандловчилар, слесарлар: металл конструкциялари бўйича ремонтчилар; **токарлар, фрезеровкачиларни**

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнат ҳақи-ишбай.

Ишчилар ва хизматчилар Тошкент шаҳрининг Чилонзор ва Қорасув массивлари, Октябрь революцияси метро станциясидан Тошкент областининг Тўйтепа шаҳридан корхона автобусларида ишга олиб борилади ва олиб келинади.

Адрес: Тошкент области, Наримонов шаҳри, Новая жизнь кўчаси, 28-уй. Телефон 90-35-31.

ДИҚҚАТИНГИЗНИ ЖАЛБ ҚИЛАМИЗ

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

ДИҚҚАТИНГИЗНИ БИР ДАҚИҚА ЖАМЛАНГ...
қўлларини нозик силкитиб, бамисоли парвозга шайланган қушдай, раққоса донг қотиб турибди...

Зўр пойгада иштирок этаётган гўзал тулпорлар диққатимизни жалб этади...

Китоб узра хаёлга ботган Дон-Кихот...

Нақшдор шамдонлар, вазалар, тақинчоқлар қутиси кўркамликка бой...

Қатъий тугалланганлик, аниқ шакл, нафислик машҳур Каслинск қуймаларига хос хусусиятлардир.

Миниатюра шаклидаги кўплаб ёдгорликлар таниқли усталарнинг моделлари асосида яратилади. **Қуйма тарзда ишланган бу бадиий буюмлар хилма-хил ва ўзига хосдир. Улар 200 дан зиёд турда чиқарилмоқда.**

АГАР СИЗ ЯНГИ ХОЛОДИЛЬНИК ОЛИШ ИСТАГИДА БЎЛСАНГИЗ, «ОРСК-8» МОДЕЛИГА ЭЪТИБОР БЕРИШИНГИЗНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ.

Янги иссиқлик изоляцияси материали-пенополиуретаннинг қўлланилиши натижасида совутиш камераси ва музлатиш бўлинмасининг фойдали ҳажми анча оширилган. Музлатиш камерасидаги температура—минус 12° С.

Холодильникнинг ички эмалланган металл камераси гигиенага мос, осон ювилади. Суриладиган, паст-баландга кўтариладиган токчалари уларда озиқ-овқатни оқилона жойлаштириш имконини беради. Эшигининг ички панели бўлинмаларида тухум, сарёғ, пишлоқ, ичимликларни сақлаш мумкин.

Сабзавот, меваларни сақлаш учун холодильникнинг остки қисмида иккита суриладиган пластмасса идиш кўзда тутилган.

Холодильник анча тежамли — бир кеча-кундузда электр энергияси сарфи 2,2 киловатт-соатни ташкил этади.

«ОРСК-8»нинг устки қисми иссиққа чидамли пластик билан қопланган, У холодильникдан стол сифатида фойдаланиш имконини беради.

Баҳоси — 265 сўм.
ЦНИИНТИ.

«Главкоопинформреклама».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

КЎП СОНЛИ ТОМОШАБИНЛАРНИНГ ИЛТИМОСИГА БИНОАН

«ИНТЕРЦИРК-84» ЧЕТ ЭЛ ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

10 СЕНТЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

24 август соат 16.00 да қўшимча томоша кўрсатилади.

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ.

Ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртларидан коллектив заявкалар қабул қилинади.

КАССА СОАТ 10 ДАН 20.00 ГАЧА ОЧИҚ.

1 сентябрдан бошлаб томошалар соат 19.30 дан бошланади, шанба ва якшанба кунлари соат 13.00, 16.00 ва 19.30 да томошалар кўрсатилади.

44-35-84, 44-35-91 телефонлари орқали справкалар олиш мумкин.

ТРАНСПОРТ АГЕНТЛИКЛАРИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Агарда сиз ўзингиз учун хусусий уй қураётган бўлсангиз, барча қурилиш материаллари ёнингизда муҳайё бўлса, бинонинг қадди тез кўтарилади.

Транспорт экспедиция агентликларининг ходимлари барча қурилиш материалларни сизнинг бунёд этилаётган участкангизга тез етказиб беришади:

— цемент, ёғоч, тунука,
— шифер, ойна, металл қувурлар.
— газ колонкаси, газ плитаси,
— ДВП, ДСП, дераза ва эшик блоклари,
— кафель ва кошинлар.

Агентликлар қурилиш материалларини ортиш ва тушириш бўйича барча хизмат комплексини ўзлари бажариб беришади.

Қурилиш материалларини ташиб бериш юзасидан ёғоч савдоси базаларидаги транспорт агентлигининг қабул пунктларида буюртма бериш мумкин.

Бу сизнинг қимматли вақтингизни тежайди, машаққатли ишлардан халос этади ва ускуналарни тезда етказиб беришни кафолотлайди!

«ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» БОШҚАРМАСИНИНГ РЕКЛАМА ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 20036. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1767. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12